

АДОЛАТ

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 44 (1004) • 2014-yil, 31-oktabr, juma

➤ Муносабат

Тинчлик ва дўстлик қарор топган юрт

Бағрикенглик ўзбек халқининг асрлар давомида сайқалланган қадриятларидан бири саналади. Қадим-қадимдан ушбу заминда яшаб келаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида миллатлараро аҳилликнинг қарор топиб келаётгани фикримизнинг исботидир.

Бугунги кунда ҳам юртимизда 135 дан зиёд миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшаб келмоқдалар. Уларнинг ўз миллий қадриятларини, урф-одатларини асраб-авайлашлари, ривожлантиришлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар эса республикаимизда миллатлараро тотувликнинг мустаҳкамланиши, тинчлик ва барқарорликнинг, тараққиётнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

5 ➤

Қадрини топган меҳнатнинг

нони бутун, хирмони баланд бўлади

Бугун Ўзбекистонда яшаб меҳнат қилаётган деҳқон ёки фермер пахта етиштириб баланд-баланд хирмонлар яратаётгани, юрт қудратига қудрат қўшаётганининг замирида улкан маъно бор. Чунки фермер, аввало, ернинг эгаси, меҳнатнинг эгаси ва ўз озод юртининг эгаси. Шу боис у ким учун ва нима учун меҳнат қилаётганини чуқур тушуниб етган.

5 ➤

“Ҳар бир мурожаат эътибордан четда қолмаслиги керак”

Ҳолати партия нуқтаи назарига монанд деб топилди

➤ Фракция йиғилишида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, Қонунчилик палатаси кўмиталари вакиллари, вазирлик ва идоралар масъул раҳбар ходимлари, партия экспертлари, фаоллар ҳамда Фуқаролик жамияти ривожланишини мониторинг қилиш мустақил институти ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

4 ➤

Амалдаги қонунчилик

сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлайди

4-5

Сиз Қурултойдан нима кутаяпсиз?

6-7



➤ Ҳисобот-сайлов конференциялари



Мақсадни аниқ ва тўғри қўйиш

ишончли натижаларга эришиш гаровидир

Кейинги йилларда жамиятимизни янгилаш ва модернизация қилиш, мамлакатимизни демократлаштириш соҳасидаги ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши жараёнида сиёсий партияларнинг фаоллиги ошмоқда, давлат ва жамият бошқарувидаги

иштироки кучаймоқда, жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги мавқеи мустаҳкамланмоқда.

Ҳуш, яратилган шароитлардан Ўзбекистон «Адолат» СДП қай даражада самарали фойдаланди? Партия позициясидан келиб чиқиб, аҳолининг хоҳиш-иродасини маҳаллий давлат ҳокимияти

даражасига олиб чиқиш ҳамда ечимини кутаётган долзарб масалалар бўйича ўз таклиф ва тавсияларини бериш бўйича қандай ишлар амалга оширилди? Партиянинг халқчил ғояларини кенг жамоатчиликка етказиш ва ўз ордидан янги сафдошларни эргаштириш масаласи қандай ҳал этилди? Шу каби

саволларга жавоб топиш, амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқларни оммалаштириш ҳамда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишда ҳудудий партия кенгашлари ташаббуси билан ўтказилаётган ҳисобот-сайлов конференциялари муҳим аҳамият касб этмоқда.

2-3 ➤

Сиёсий Кенгаш Пленуми тўғрисида ахборот

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Пленумда партия ташкилотлари олдига турган долзарб масалалар, жумладан, сайлов кампанияси даврида амалга ошириш зарур бўлган вазифалар муҳокама қилинди.

Пленумда И.Ҳамроев партия матбуот нашри — «Adolat» ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири этиб тасдиқланди.

Қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

➤ Биринчи мартаба сайловда қатнашаман!



Айни кунда республикаимизнинг барча ҳуудларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтadиган сайловларга қизгин таяёргарлик кўрилмоқда. «Ўзбекистон темир йуллари» ДАК қошидаги коллежда

ҳам ўқувчилар турли тадбирлар орқали сайловга оид қонунлар, сиёсий партиялар фаолияти, сайлов кампанияси жараёни ҳақида ўз билимларини бойитишмоқда.

— Коллежимизда 2246 нафар ёш ўғил-қиз етти йўналиш бўйича таҳсил олмоқда, — дейди маънавият-маърифат ишлари бўйича дирек-

тор ўринбосари Баҳром Жуманиёзов. — Уларнинг барчаси сайловда биринчи бор иштирок этувчи ёшлардир. Ўтказилаётган тадбирлар ёшларнинг сиёсий билимининг ошишига, мустақил фикрга эга бўлишига ва албатта муносиб номзодга овоз беришига ёрдам беради.

“Адолат” аёллари

ҳар соҳада ташаббускор ва фидойи

➤ Сарҳисоб

Истиқлол йилларида мамлакатимизда аёлларга бўлган эътибор ҳар жиҳатдан юксалди, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1995 йили БМТнинг «Аёлларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шакллариغا барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенцияси ратификация қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари аниқ белгилаб берилган бўлса, Оила кодексига уларнинг оилавий ҳуқуқлари, Фуқаролик кодексига ҳар бир инсоннинг меросга ворислик ва бошқа ҳуқуқлари, Меҳнат кодексига эса хотин-қизлар меҳнатига оид ижтимоий имтиёзлар мустаҳкамлаб қўйилган.



8 ➤

Мақсадни аниқ ва тўғри қўйиш

Давоми. Бошқа 1-бетда

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

“Пойтахт” бизнес марказида ўтказилган Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар кенгашининг V ҳисобот-сайлов конференцияси ҳам ўз олдига юқоридаги масалаларни танқидий-таҳлилий нуқтаи назардан муҳокама қилиш ва истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишни мақсад қилиб олди.

Конференцияда Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси Париди Пармонова 2010-2014 йилларда партиянинг Сайлов-олди дастури ижросини таъминлашда шаҳар партия ташкилотининг ўрни юзасидан маъруза қилди.

Маърузачининг таъкидлашича, партиянинг қурашувчанлик қобилияти, нуфузи ва халқ орасида танилишида бошлангич партия ташкилотларининг ушшоқлиги ҳамда ташаббускорлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шу боис ҳисобот даврида асосий эътибор айнан БПТларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг сиёсий саводхонлигини яхшилашга қаратилган.

— Ўтказилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари натижасида ҳисобот даврида Тошкент шаҳар партия кенгаши таркибидеги БПТлар сони 93 фоизга, яъни 302 тага, аъзолар сони эса 112 фоизга ортди. Турли ташкилот ва муассасаларда, хусусан, маданият марказлари, уюшма ҳамда таълим масканлари, маҳаллаларда партиянинг “Сиёсий ўзгаришлар инсон манфаатлари — энг олий қадрият”, “Иқтисодийни ривожлантиришдан турмуш сифати ва даражасини ошириш сари”, “Ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий адолат тамойилини амалга ошириш”, “Соғлиқни сақлаш: сифат ва фойдаланиш имконияти кафолатлари”, “Таълим: замонавий даража ва моддий базани яхшилаш”, “Фуқаролик жамияти — демократик ривожланиш сари”, “Экология: атрофимиздаги оламни ҳимоя қиламиз” йўналишлари доирасида ўтказилган 1500 дан ортиқ давра суҳбатлари, тадбир, анжуманларда билдирилган қўллаб-қувватлаш ва тавсиялар халқ депутатла-

ри Тошкент шаҳар кенгашидаги партия гуруҳига ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясига тақдим этилган. Ўз навбатида, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва парламентда қабул қилинган қарор ҳамда қонунларда ушбу тақлиф-тавсиялар ўз аксини топгани партиядошларимизнинг дахлдорлик тўғриси, уларнинг фуқаролик позициясини янада мустаҳкамлади, десак муболага бўлмади. Кези келганда таъкидлаш жоиз, гарчи ўтган сайловда пойтахт партия кенгашидан кўрсатилган 60 нафар номзоддан 11 нафари халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати этиб сайланган, улардан икки нафари бошқа лавозимга ўтганлиги сабабли депутатлик ваколати муддатидан илгари тугатилган бўлсада, бўшаб қолган ўринлар учун бўлиб ўтган сайловда яна 1 нафар номзодимиз депутатлик мандатига эга бўлди ва энг муҳими ўз сайлов округидаги аҳоли ишончини қозонишда, муаммоларни ижобий ҳал этишда, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиялари кун тартибига партия позицияси ва нуқтаи назарини ифода этувчи масалаларни олиб чиқишда фаоллигини кўрсатишда бўлишлари учун халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши қўлидаги жамоатчилик қабулхонасига йўналтириш бўйича



аниқ механизм ишлаб чиқилди ва бу ўз натижасини бериб келмоқда.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳининг аъзоси Жавдат Иноғомов депутатлик гуруҳининг 5 йиллик фаолиятига тўхтади:

— Ўзбекистон “Адолат” СДП уй-жой коммунал комплекси фаолиятини янада яхшилаш, аҳолини сифатли хизматлар билан таъминлаш тарафдори. Шу боис ўз фаолиятимиз давомида инновацион гояларни амалга татиқ этишга интилдик. Хусусан, иссиқлик энергияси билан аҳолини мунтазам таъминлаш мақсадида депутатлик гуруҳи томонидан шаҳар ҳокимига кўп қаватли уйларда локал қозонхоналардан ижро этилиши, “Чилонзор, Учтепа туманларида аҳоли саломатлигини ошириш бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш”, “Вазирлар Маҳкамасининг” “Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш” органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг Тошкент шаҳрида ижроси ва партия Сайлов олди дастурига мос бошқа

кўллаб масалалар муҳокамаси ўтказилди. Эътиборга молик жиҳати, депутатлик гуруҳи томонидан тайёрланган қарорлар лойиҳаси қабул қилинишига қадар шаҳар партия кенгаши ҳамкорлигида ҳам кўриб чиқилди ва ушбу амалиёт асосида қарорларни янада тақомиллаштиришга эришилмоқда.

Анжуманда сўз олганлар бўлажак сайловда муваффақиятли иштирок этиш учун партия аъзолари сони ва салоҳиятини ошириш, партия номзодларини қўллаб-қувватлаш ишларида БПТларнинг фаолигини кучайтиришга оид тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбирда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, юқори партия ташкилоти Курултойига делегатларни сайлаш, шаҳар партия кенгаши раиси ва ўринбосарларини сайлаш юзасидан бир тўхтамага келинди. Шунингдек, Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар кенгашидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига номзодларни кўрсатиш ваколатини партия шаҳар кенгаши ижроия қўмитасига бериш тўғрисида келишиб олинди.

ҚОРАҚАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси ташкилоти конференциясида партиянинг ўтган беш йил мобайнидаги фаолиятига ҳолис баҳо берилиб, жорий йил 21 декабрда бўлиб ўтадиган парламент қўйи палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик масаласи муҳокама қилинди.

Конференцияда партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Э.Кунназаров партия ташкилотининг ўтган беш йилликдаги фаолияти юзасидан ҳисобот берди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси ташкилоти томонидан партиянинг асосий сифат кўрсаткичлари бўлган аъзолар сони, бошлангич партия ташкилотлари, тадбирлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, партия гуруҳлари ишларини кучайтириш бўйича муайян натижаларга эришилди. Жумладан, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, партия аъзолари сони 4150 нафарни ташкил этган бўлса, бугунги кунда улар сони 5760 нафарга етди.

Партиянинг таянч бўлгани фаолиятини кучайтириш, электорат ва хайрихоҳлар билан ишлаш самарадорлиги бошлангич партия ташкилотларининг 316 тага етганида намойён бўлди.

Эътироф этиш керакики, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини кучайтириш партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидеги Ўзбекистон “Адолат” СДПдан сайланган 6 нафар депутатдан иборат партия гуруҳи ва шаҳар, туман Кенгашларида 20 нафар депутатдан иборат 2 та партия гуруҳи фаолият олиб бормоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидеги партия гуруҳи ва халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан 30 мартаба депутатлик сўрови амалга оширилди, 15 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сессиясида ҳам электорат манфаатига қаратилган масала кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинди. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидеги партия фракцияси ва халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан маҳаллий Кенгашларидаги доимий комиссия мажлисларида жами 5 та масала кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинди.

Шунингдек, конференцияда сўзга чиққанлар давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига бўладиган навбатдаги сайловда муносиб иштирок этиш барча сиёсий партиялар сингари Ўзбекистон “Адолат” СДП учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги, шу боис, барча даражадаги партия ташкилотларининг асосий фаолияти сайловда энг олдинги қаторда бўлиш масаласига қаратилаётганини таъкидлашди. Сайловда партия дастурий мақсадларини ҳимоя қиладиган номзодлар, уларнинг ишончли, қурашувчи ва ваколатли вакиллари базасини шакллантириш, сайловолди тайёргарлиги ва сиёсий билимларини кучайтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш борасида фикр-мулоҳазалар тингланди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Курултойига делегатлар сайланди. Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон “Адолат” СДП Қашқадарё вилояти партия кенгаши конференцияси ҳам қизғин мунозара ва тақлифларга бой бўлди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тафтиш комиссияси аъзолари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳи аъзолари иштирок этди.

Конференцияда Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раисининг ўринбосари С.Турсунов иштирок этиб, Сайловолди дастури ижроси, маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик бирлашмалари ва партия фаоллари зиммасида турган вазифалар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши сиёсий партиялар фаолиятини янада кучайтириш, давлат ва жамият бошқарувидаги ролини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, — деди С.Турсунов. — Мазкур ҳужжатга мувофиқ қабул қилинаётган қонун лойиҳалари эса сиёсий партиялар ва депутатлик бирлашмалари ваколатларини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда ҳар бир депутат ўз олдига қўйилган талабларни чуқур англаши ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электорат ман-

фаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ ташаббусларни илгари сурмоғи керак.

Қашқадарё мамлакатимиздаги иқтисодий салоҳияти юқори бўлган вилоятлардан бири ҳисобланади. Шу боис халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП гуруҳлари мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиши зарур. Маълумки, аҳоли, айниқса, касб-ҳунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар билан ишлаш бугуннинг долзарб масаласига айланган. Сайловолди дастурида белгиланган шу ва бошқа вазифаларни тўлиқ амалга ошириш учун айрим депутатларда қатъият етишмаётганлиги кўзга ташланмоқда. Ана шундай камчиликларнинг олдини олиш учун янада фаол бўлишни даврнинг ўзи такозо этмоқда.

Вилоят партия кенгаши раиси А.Аҳмедов таъкидлаб ўтганидек, халқ депутатлари вилоят Кенгаши-

да 4 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида 25 нафар депутатимиз фаолият кўрсатмоқда. Партия гуруҳлари ташаббуси билан ўтган йиллар давомида қўллаб муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар сессияларда муҳокама этилди. Шунингдек, депутатлик назорати ва сўровлари орқали турли муаммолар ҳал қилинди.

Партия аъзоларининг сиёсий саводхонлигини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2009-2014 йилларда ҳудудий кенгашлар ва бошлангич партия ташкилотлари фаолиятини яхшилаш бўйича жойларда кўллаб ўқув-семинарлар ташкил этилди. Вилоятдаги намунали партия кенгашларидан иш ўрганиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида сайёр тадбирлар ўтказилди.

Конференцияда сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат кучайиб бораётган бугунги кунда қурак сўз билан эмас, амалий иш билангина кўзланган мақсадга эришиш мумкинлиги айтилди. Вилоятнинг айрим чекка ҳудудларида аҳолини ўйлантираётган масалалар ечимини топиш учун партия гуруҳлари кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликни янада кучайтириши кераклиги хусусида тақлифлар билдирилди.

Айни пайтда партия фаоллари, депутатлар партиянинг янги Сайлов олди дастури лойиҳасини кўриб чиқишди.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Бухоро вилояти ташкилотининг навбатдаги конференцияси ҳам партия фаолияти самарадорлиги муҳокамасига бағишланди. Конференция ишида вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашларининг сайловдан-сайловгача бўлган беш йиллик фаолияти таҳлил этилиб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Сўзга чиққанлар бутун диққат-эътиборни сайловга тайёргарлик кўриш ва унда муносиб иштирок этишга қаратиш лозимлигига ургу бердилар. Вакилик органларида кўпчилик ўринини эгаллаш

учун изчил, фаол ҳаракат қилиш, бугунги сайловчининг сиёсий ҳуқуқий маданияти, билим ва тафаккури юксаклигини инobatга олиб, сайловолди тарғибот ишларини ҳам қонунийлик тамойи-

лига амал қилган ҳолда олиб бориш кераклиги таъкидланди.

Шунингдек, конференция мобайнида сайлов қонунчилигига киритилган янгиликлар, жумладан, сайловолди ташкилотининг шакл ва усулларининг аниқлиги, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш самарадорлигини оширишга қаратилган қатор ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида маълумот берилди.

Йиғилишда Бухоро вилоят партия кенгаши назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисобот давридаги фаолияти ҳам таҳлил этилди.



СЎЗ – ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАР ҚАМРОВИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Ургач шаҳрида “Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. ЎЗА махсус муҳбири анжуман иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.

Дина ЭГЛИТЕ, “Cleantech Latvia” экологик тоза технологиялар кластери ижрочи директори (Латвия):

— Биз Оролбўйи минтақасидан олисда яшаймиз, бу муаммо бизга тааллуқли эмас, деб бўлмайди. Чунки Оролбўйида юзага келган глобал экологик муаммо таъсири ундан узоқ ўлкаларда ҳам сезилмоқда. Бу ердан кўтарилган миллионлаб тонна чанг ва захарли тузлар қўллаб минтақаларга тарқалмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Оролни кўтариш ҳолқори жамғармаси раиси Ислам Каримовнинг конференция иштирокчиларига йўллаган мурожаати минтақадаги шу каби муаммолар атрофича таҳлил этилгани, унинг оқибат-



«OROL DENGIZI MINTAQASIDAGI EKOLOGIK OFAT OQIBATLARINI YUMSHATISH BO'YICHA HAMKORLIKNI RIVOJLANTIRISH» XALQARO KONFERENSIYASI

Ишончли натижаларга эришиш гаровидир

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Конференцияда сайлов жараёнида Ўзбекистон "Адолат" СДП худудий ва бошлангич партия ташкилотлари ишини тубдан кучайтириш, ўтказилаётган тадбирлар ва тарғибот ишлари таъсирчанлигини ошириш, партия, электротар ва хайрихоҳлар ҳамкорлиги, депутатлар ва сайловчилар алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтариш лозимлиги хусусида сўз борди.

— Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" сиёсий партиялар фаолиятини янги босқичга олиб чиқди. Бу, ўз навбатида, ижтимоий ҳаётда партияларнинг сиёсий куч сифатидаги ўрнини мустаҳкамлаб, партиялараро рақобатни кучайтирмоқда. Шунингдек, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар орқали вакиллик органлари учун курашишда барча сиёсий партияларга тенг имконият яратиб берилгани юртимизда сиёсий жараёнларнинг демократик талаблар асосида ўтишини таъминламоқда, — деди вилоят партия кенгаши раиси А.Ибодуллоев. — Ўтаётган ҳар бир кун бизни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тобора яқинлаштирмоқда. Сай-

лов натижалари сиёсий партияларнинг муҳим синовга пухта тайёргарлиги билан бир қаторда фуқароларнинг фаоллигига ҳам боғлиқ. Фуқароларнинг сайловда фаол иштирок этиши, партиямиз номзодларига овоз бериши сайловдан сайловгача бўлган вақт оралиғида амалга оширилган амалий ишларимиз билан баҳоланади. Партия ташкилотларида бўлиб ўтаётган конференцияларда айна мана шу фаолият сарҳисоб қилиниб, сайловга тайёргарлик масаласи муҳокама этилаётгани ҳар биримизни бу жараёнда янада масъулиятли, фаол ва ташаббускор бўлишга ундайди.

Шунингдек, тадбирда вилоят партия ташкилотининг ўтган беш йиллик фаолияти даврида эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган айрим камчиликлар хусусида ҳам фикр билдирилди.

Мамлакатимиз аҳолисининг турли қатламлари орасида партия нуфузини янада оши-



риш, халқ ичига кириб боришни турли усулларидан самарали фойдаланиш, мақсад ва вазифаларни кенг тарғиб этиш, электротар манфаатларини фаол ҳимоя қилиш орқали тарафдорлар сонини кўпайтириш асосий дастурий вазифалардан экани таъкидланди. Хусусан, партиянинг вилоят ташкилоти сафида мавжуд аъзолар сони беш йил давомида 4589 нафардан 5304 нафарга етди. Бошлангич партия ташкилотлари сони эса 53 тадан 163 тага

кўпайди. Партиянинг вилоят ташкилоти томонидан ҳисобот даври мобайнида партия йўналишлари бўйича 2300 дан зиёд илмий-амалий анжуманлар, кўрик-танловлар, ўқув-семинарлари, давра суҳбатлари ва бошқа турли тадбирлар вазифалардан экани таъкидланди. Уларда жами 90 минг нафарга яқин партия фаоллари, электротар вакиллари ва фуқаролар иштирок этдилар.

Шунингдек, жорий йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда

халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик масаласи конференция кун тартибининг энг долзарб мавзусига айланди. Конференция давомида ўтган йиллар мобайнида йўл қўйилган айрим камчиликлар бўйича аниқ таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланиб, атрафлича муҳокама этилди. Конференция якунида муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон "Адолат" СДП Навоий вилояти ташкилотининг навбатдаги конференциясида ҳам ўтган беш йиллик ҳисобот давридаги партия фаолияти сарҳисоб қилинди. Шунингдек, партия олдида турган муҳим синов — парламент ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга пухта ҳозирлик кўриш, депутатликка муносиб номзодлар кўрсатиш, сайлов олди тарғибот-ташвиқот ишларини самарали ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Конференцияда Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси Ҳамид Жумаев сўзга чиқиб, сайлов барча сиёсий партияларнинг ўтган беш йиллик фаолияти самарасини намоён этадиган муҳим синов даври экани, ўтган сайлов натижаларидан тегишли хулосалар чиқариш лозимлиги, бугунги сайловчиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги кеңагисидан тубдан фарқ қилишини таъкидлади. Шу боис, жорий йилги сайлов янги ижтимоий-сиёсий шaroитларда ўтказилиши, партиямиз томонидан кўрсатиладиган ҳар бир номзод ана шу жиҳатни теран ҳис этган ҳолда муҳим синовда муваффақиятли иштирок этиш ва кўзланган натижаларга эришиш учун жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозимлигини қайд этди.

Таъкидланганидек, ўтган беш йил давомида халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига кўлаб ташаббус-масалалар киритилди. Депутатлар томонидан депутатлик сўрови ва назорати амалга оширилди. Доимий комиссиялар йиғилишларида "Адолат" партияси депутатлари томонидан 20 дан зиёд таклиф киритилди. Ушбу таклифлар қаторидан бугунги кунда долзарб ҳисобланган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратишга қўмаклашиш каби масалалар ўрин олди.

Конференция давомида сайловга пухта ҳозирлик кўриш масаласи ҳам кизгин муҳокама қилинди. Сайловда Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурий мақсадларини ҳимоя қиладиган номзодлар, уларнинг ишончли, кузатувчи ва ваколатли вакиллари базасини шакллантириш, сайловолди тайёргарлиги, сиёсий билимларини кучайтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Партиянинг навбатдаги Курултойига делегатлар сайланди.

Улугбек Вафоев, халқ депутатлари вилоят Кенгашига Ўзбекистон "Адолат" СДПдан сайланган депутат:

— Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — сайловга тобора яқинлашяпмиз. Мазкур сиёсий жараёнда партиялар фаолиятига адолатли баҳони сайловчи беради. Табиийки, ўтган сайловда берилган ваъдалар, партия дастурида белгиланган вазифаларни бажарган партия ва унинг гоёси сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланади. Конференцияда вилоят партия ташкилотининг ўтган беш йиллик фаолияти таҳлил этилар экан, ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам тилга олинди, уларни бартараф этиш йўллари белгилаб олинди. Шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада кучайтириш, демократик жараёнлар ва сайловдаги фаол иштирокини таъминлаш, энг муҳими, партия дастурий мақсад-вазифаларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб-ташвиқ қилиш асосий вазифа экани қайд этилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ



— Бугунги сайловчиларнинг партияларга бўлган талаби қатъий. Эндиликда у ўзи овоз бераётган сиёсий кучни ижтимоий ҳаётдаги муаммоларни бартараф эта олишига қараб танлайди, — дейди партия вилоят кенгаши раиси К.Шодиметов.

— Ўзбекистон "Адолат" СДП сайловга фуқароларимиз онгида пайдо бўлган ана шу ижобий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда пухта тайёргарлик кўрди. Партия сайловолди Платформаси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва номзодлар захирасини яратишда ўз электорати ва тарафдорлари манфаатларини инобатга олди. Энг муҳими, бу йилги сайловда ҳам сайловчиларнинг энг кўп овозларини тўплаш ва вакиллик органларидан кўпроқ депутатлик ўринларини олиш худудий партия ташкилотларимиз, жумладан, Тошкент вилоят кенгашининг фаоллигига ҳам бевосита боғлиқ.

Конференцияда таъкидланганидек, Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши ўтган 5 йил давомида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этди. Хусусан, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга қўмаклашиш борасида қатор тадбир, давра суҳбатлари ўтказилди. Ҳисобот даврида вилоят партия кенгаши томонидан қарийб 4000 га яқин тадбир ташкил қилинди. Бундай тадбирлар партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини кенг омма ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш, аъзолари ва хайрихоҳлари сафини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Партия дастурий гоёларини турли лойиҳалар орқали тушунтириш усули амалиётда ўзини оқлатмоқда. Сайловдан сайловгача бўлган вақт оралиғида барча йўналиш ва соҳалар бўйича 20 дан ошқ лойиҳа амалга оширилди. "Ёш инноватор ислохотларга қўмақдош" кўрик-танлови, "Сиз қонунни биласизми?" танлови, "Партиянинг оқила аёли" республика кўрик-танлови шулар жумласидандир.

— Сайловда муваффақиятли иштирокимизни таъминлайдиган яна бир муҳим жиҳат бу сайловчиларнинг бизга бўлган ишончи, — деди конференцияда маъруза қилган халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши депутати Зарифа Эралиева. — Эътиборлиси, бу борада сайловчилар олдида юзимиз ёруғ. Чунки 2009 йилда партиямиздан вакиллик органларига сайланган барча депутатлар худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир қўллаб масалалар юзасидан депутатлик назоратини амалга оширишди. Сессияларга ташаббус-масала киритиш орқали электротаримиз ва хайрихоҳларимизни ўйлантираётган бир қатор масалалар ўз ечимини топди.

Тадбирда жорий йил 21 декабрда бўлиб ўтадиган сайловга пухта ҳозирлик кўриш, аниқ чоратадбирларни белгилаб олиш масаласи ҳам кизгин муҳокама қилинди. Сайловда партия дастурий мақсадларини ҳимоя қиладиган номзодлар, ишончли, кузатувчи ва ваколатли вакиллар базасини шакллантириш, уларнинг сайловолди тайёргарлиги, сиёсий билимларини кучайтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш борасида фикр-мулоҳазалар тингланди.

Конференция якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг навбатдаги Курултойига делегатлар сайланди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар масъулиятли давр — сайлов жараёнлари олдида турибди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Жиззах вилояти ташкилоти конференциясида партия фаолияти сарҳисоби ва сайловга тайёргарлик масаласи муҳокама қилинди.

— Сайлов жараёнида партиянинг ўз электорати олдидаги мавқеини кўтариш, энг аввало, янги сайловолди Платформасининг халқчил ва ўзига хос тайёрлишига боғлиқ. Халқнинг хоҳиш-истаклари ва қарашларига тўғри келадиган фаолиятгина электротар диққат эътиборини жалб эта олади. Бугунги партиялараро рақобат кучайиб, фуқароларда юрт тадбирига дахлдорлик туйғуси юксалиб бораётган бир пайтда сайловолди тарғибот ишларини янги босқичга кўтариш, халқчил гоёларни илгари суриш орқали электротар ва сайловчилар ишончини қозониш олдимизда турган долзарб вазифадир, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилояти кенгаши раиси Рустам Тўйчиев.

Таъкидланганидек, ўтган ҳисобот даврида Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилояти ташкилоти томонидан аъзолар сони, бошлангич партия ташкилотлари, тадбирлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, партия гуруҳлари ишларини янада яхшилаш бўйича ҳам муайян натижаларга эришилди. 2009 йилда партия аъзолари 3091 нафарни ташкил этган бўлса, бугунги кунда улар сони 3223 нафарга етди. Сайловдан сайловгача бўлган даврда ҳал қилувчи муҳим бугунги ҳисобланган бошлангич партия ташкилотлари сони эса 52 тадан 84 тага олди.



Партиянинг жойлардаги нуфузини белгилайдиган, электротар ва хайрихоҳларнинг қўллаб-қувватлашига олиб келадиган муҳим омиллардан бири бу — партиядан турли даражадаги вакиллик органларига сайланган депутатларнинг ташаббускорлиги, дастурий мақсадлар ижроси йўлидаги фаоллиги саналади.

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 2 нафар, вилоят Кенгашида 4 нафар, маҳаллий Кенгашларда 6 нафар Ўзбекистон "Адолат" СДПдан сайланган депутатлар фаолият юритмоқда. Ўтган давр мобайнида улар томонидан 20 га яқин масалалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияси кун тартибига киритилди. 33 марта депутатлик сўрови амалга оширилди. 16 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланиб, 120 га яқин депутатлик назорати ўтказилди.

Конференция якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, партия Курултойига делегатлар сайланди. Шаҳноза Соатова, Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилояти кенгаши аъзоси: — Бугунги конференцияда партия ташкилотимизнинг ўтган беш йил мобайнидаги фаолиятига таҳлилий-танқидий назар ташланди. Шунингдек, партия олдида турган гоёт муҳим синов — сайловга пухта ҳозирлик кўриш, муносиб номзодларни танлаш, сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини самарали олиб бориш ва сайловда муваффақият қозониш каби масалалар ҳам конференция кун тартибидан ўрин олди. Ўтган сайловдан тўғри хулоса чиқарган ҳолда жорий йилги сайловда муносиб иштирок этишда партия ташкилотимиз ва барча даражадаги депутатлар зиммасидаги масъулиятли вазифаларга яна бир бор эътибор қаратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм, Сурхондарё ва Фарғона вилояти ташкилотларининг ҳам навбатдаги ҳисобот конференциялари бўлиб ўтди. Конференцияларда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбирларимиз

ларини қамойтириш учун зарур йўналишлар белгилаб берилгани билан диққатга сазовордир.

Конференция иштирокчилари, донор мамлакатлар ва халқоро ташкилотлар вакиллари бу саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлади. Бундай эзгу ишлар Оролбўйи экотизмининг тиклашда, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда муҳим омил бўлади.

Тревор ТАНТОН,

Саутгемптон университети фуқаролик қурилиши ва атраф-муҳит мактабининг экологик технологиялар кафедраси мудири (Буюк Британия):

— Халқоро анжуман доирасида Орол денгизи минтақасидаги вазиятни енгилаштириш бўйича Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган қатор

минтақавий лойиҳалар билан яқиндан танишдик. Мамлакатимизнинг халқоро стандартларга жавоб бериш учун замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган тиббиёт муассасаларида аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча шарт-шaroит муҳайё эканига амин бўлдик.

Конференция иштирокчилари Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқиботларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш борасида ниятларимиз муштараклиги рамзи сифатида Беруний туманидаги ёшлар боғиго дарахт кўчатларини ўтказди. Тупроқ эрозияси ва чўлланишнинг олдини оладиган бундай ўрмон ўсимликлари тупроқ унумдорлигини оширишга, минтақада экологик вазиятни яхшилашга хизмат қилади.

Юсуф АЛ-БАДЕР,

Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармасининг Марказий Осиё ва Европа мамлакатлари бўйича минтақавий менежери:

— Жамғармаимиз Ўзбекистон билан узоқ йиллардан буюн ҳамкорлик қилиб келади. Ўзаро ҳамкорликда бир неча шаҳар ва туман касалхоналарининг тез ёрдам бўлимларини тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, Республика ихтисослаштирилган кардиохирургия марказини юқори технологияли тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида дренаж ва ирригация тармоқларини қайта тиклаш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириб келмоқдамиз.

Президент Ислам Каримовнинг конференция қат-

нашчиларига муржаатида Орол инқирозининг атраф-муҳит ва бу ерда яшаётган миллионлаб аҳоли ҳаётига ҳалокатли таъсирини, хусусан, пухта ўйланган, аниқ манзилли ва тегишли молиялаштириш манбалари билан таъминланган лойиҳаларни амалга ошириш орқали қамойтириш мумкинлиги олоҳида таъкидланган. Жамғармаимиз бундай лойиҳалар қамровини янада кенгайтириш ниятида.

Татьяна ЕФИМОВА,

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти департаменти менежери:

— Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан ўтказилган мазкур халқара конференция гоёт

Давом 4-5 бетларда



«Ҳар бир мурожаат эътибордан четда қолмаслиги керак»

Ғояси партия нуқтаи назарига монанд деб топилди

Давоми. Боши 1-бетда

Мажлиси Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари, фракция раҳбари С.Турсунов олиб борди.

Кун тартибидаги биринчи масала — «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш) Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзоси, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси **К.Ҳамидова** ахбороти тинглан-ди.

Маърузачи таъкидлашча, V боб, 31 моддадан иборат мазкур қонун лойиҳасининг мақсади давлат органлари ва давлат муассасаларига юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш, ушбу соҳадаги қонунбузилишлар учун жавобгарлики белгиланган, шунингдек, давлат органлари мансабдор шахсларига мурожаатлар тартибидан янада такомиллаштиришдир.

Маълумки, ҳозирги вақтда фуқароларнинг мурожаатларини давлат органлари томонидан кўриб чиқиш тартиби 1994 йилда қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун нормалари асосида амалга оширилди, — деди маърузачи. — Бироқ тегишли ташкилот ва вазирликларнинг бу борадаги қонун ижроси тахлил этилганда мазкур қонуннинг ҳуқуқий тартибга солиш предмети фақатгина фуқароларнинг мурожаатлари ташкил этиши, юридик шахсларнинг давлат органларига мурожаатларини кўриб чиқиш эса қамраб олинмаганлиги аниқланган. Бир сўз билан айтганда, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат органлари томонидан юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг кўпгина жиҳатлари ўз аксини топмаганлиги, қолаверса, электрон шаклдаги мурожаатлар назарда тутилмаганлиги сабабли, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун негизда янги, тако-

зарда тутувчи қонунчиликни янада такомиллаштириш талаб этилади. Шу боис, давлат органлари ва муассасалари масъул ходимларининг ҳам жисмоний, ҳам юридик шахсларидан келиб тушган мурожаатларига бўлган эътиборини, бу борадаги масъулиятини оширишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар партизамининг қонун устуворлигини таъминлашнинг самарали ҳуқуқий механизмлари такомиллашувига, шунингдек, давлат органлари мансабдор шахсларининг фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасидаги масъулиятини янада кучайтиришнинг таъсирчан чораси яратилишига оид ғоялари билан мос эканлиги билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

Йиғилиш кун тартибидаги сўнги масала — «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси (иккинчи ўқиш) юзасидан Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси аъзоси **А.Жумаев** ахборот берди.

Нотиқнинг қайд этишича, киритилаётган қонун лойиҳасининг асосий мақсад ва вазифалари инвестиция жараёнларида ҳўжа-лик юритувчи субъектлар ва аҳолининг иштирокини янада кенгайтириш, модернизациялашга инвестиция киритиш учун қўшимча шароит ва омиллар яратиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, шунингдек, инвестицияларни рағбатлантириш усулларини кенгайтириш, инвесторларнинг ҳуқуқлари ва мулк-нинг ҳимоя қилишдан иборат.

Қонун лойиҳасида қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун инвестиция фаолиятини амалга оширишда қўлланладиган асосий тушунчалар рўйхати кенгайтирилди («инвестиция лойиҳаси», «инвестиция фаолияти субъекти» ва б.), шунингдек, инвестиция жараёнларига қўйилаётган замонавий талаблар муносабати билан амалдаги мавжуд тушунчалар аниқлаштирилди («инвестициялар», «инвестор», «реинвестициялар» ва б.).

Муҳокама чоғида фракция аъзолари инвестицияларни амалга ошириш шакллари қаторига интеллектуал мулк объек-тларига эгаллик қилиш ҳуқуқи қўшилганини юқори баҳолаб, бу каби нормалар илмий-назарий фаолият билан шуғулланган, ин-новацион лойиҳаларни ишлаб чиққан ва амалда татбиқ эта олган муаллифлар, илм-фан эгал-ларининг ҳуқуқлари ҳимояси таъ-минланishiда муҳим аҳамият касб этишига тўхталиб ўтишди. Бу эса партиянинг инновацион иқтисодий ривожлантириш ва илм-фан ходимларини меҳнати-га яраша рағбатлантириш ме-ханизмини такомиллаштиришга оид мақсади ва позициясига му-вофиқ келишини алоҳида қайд этишди.

Шунингдек, ушбу қонун лойи-ҳасида инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари ба-тафсил ифодалангани, инвести-цияларнинг барча шакл ва қури-шилларини амалга ошириш тар-тибларига оид тушунчалар ҳамда инвестиция жараёнлари-нинг субъектлари ҳуқуқ ва маж-буриятлари киритилиши билан аҳамиятга молиқлиги таъкид-ланди.

Қонун лойиҳаларини янада такомиллаштириш юзасидан фракция аъзолари Ўзбекистон «Адолат» СДП позициясида кели-либ чиққан ҳолда ўз тақлиф ва тавсияларини билдирдилар ва уларни концептуал жиҳатдан маъқуладилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди ва те-гишли қарор қабул қилинди.

Саодат СОДИҚОВА,
«Adolat» мухбири

Амалдаги қонунчилик

➤ Сайловолди штабида

Бутун дунёда эътироф этилган энг муҳим конституциявий-сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлган сайлов ҳуқуқи фуқароларга давлат ҳокимияти органларига ўз вакилларини сайлаш имкониятини беради.

Сайлов қонунчилиги жамиятда рўй бераётган барча демократик жараёнларни кўзгу сингари ўзида акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Маълумки, бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Сайловлар фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишини таъминлайдиган ва халқ иродасига сўянган кучли фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлатнинг ажралмас белгиси ҳисобланади.

Бинобарин, сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда эркин тафаккур, хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлар, шу билан бирга, сиёсий ҳаракатлар ва кучларнинг интилишлари, айниқса, яққол намоён бўлади.

Истиқлол йилларида жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий соҳалари босқичма-босқич ва изчил ривожлантириб борилганлиги натижасида умумэтироф этилган стандартлар ва юксак демократик талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган сайлов тизими шаклланди.

Шунинг учун ҳам Ўзбеки-

тонда сайлов қонунчилиги доимий равишда ижобий ҳаракатланишда бўлиб, у тобора такомиллаштирилмоқда ва унинг демократик принциплари ривожлантирилмоқда.

Ортимизда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш борасида бир қатор ютуқларга эришилди.

Жумладан, умумэтироф этилган халқаро принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган икки палатали парламент сайлов тизими жорий қилинди, унинг муқаммал қонунчилик базаси яратилди.

Сайловларнинг фақат кўп-партиявийлик асосида ўтказилишига эришилди ва булар босқичма-босқич ва изчил ривожлантириб борилганлиги натижасида умумэтироф этилган стандартлар ва юксак демократик талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган сайлов тизими шаклланди.

Шунинг учун ҳам Ўзбеки-

ўтиши учун ўрнатилган 6 ойлик муддат 4 ойда қисқартирилди. Сиёсий партияларнинг сайловда иштироки учун сайловчиларнинг 50 минг имзоси ўрнига 40 мингга қилиб белгиланди. Сайловолди кампания жараёни фақат Марказий сайлов комиссияси томонидан олиб бориладиган бўлди, унга давлат ва ҳокимият тузилмалари ҳамда жамоат бирлашмаларининг аралашishi қатъиян тақиқланди. Депутатликка номзодлар давлат ҳокимияти ижро органлари томонидан кўрсатилиши ҳам бекор қилинди. Парламент ва давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ягона бир кунга, яъни уларнинг конституциявий ваколатлари муддати тугаган йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигида биринчи яқшанба кунни ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, сиёсий партияларнинг парламент кўйи палатасидаги вакилликни кенгайтириш мақсадида 2008 йилдан бошлаб Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сони 120 тадан 150 тага оширилди. Бунда 135 нафар депутатлар кўппартиявийлик асосида бир мандатли ҳудудий сайлов округларидан сайланади, 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатдан сайланадиган депутатларга бериладиган бўлди.

Сайлов жараёнида ошқораликни таъминлашга катта аҳамият берилиб, депутатликка номзоднинг ишончли вакилликни 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди. Сиёсий партияларнинг «ваколатли вакили» янги институт жорий қилинди, унга сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Сайлов кунда овоз берилиш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда сиёсий партиялар биттадан кузатувчи,

Сайлов жараёнларида ОАВ ҳамкорлиги

➤ Матбуот анжумани

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказил-диган сайловларга тайёргарлик кизгин паллага кирди. Бу борада ОАВ ходимлари зиммасидаги масъулият ҳам ортиб бормоқда. Ўзбекистон «Адолат» СДП Анди-жон вилояти кенгашида бўлиб ўтган матбуот анжумани айна шу масалага бағишланди.

Анжуманда таъкидланганидек, айна пайт-да вилоят бўйича 754 та сайлов участкалари тузилди. Участка сайлов комиссиялари фаолиятини амалдаги қонунлар асосида ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сайловлар очиклик ва ошқоралик асосида ўтишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оқруқ сайлов комиссиялари аъзолари томонидан сайлов участкаларини ташкил этишда қонуний-лик асосий вазифа сифатида белгилаб олинди.

Сиёсий партиялар учун ўзига хос синов бўлган сиёсий жараёнлар арафасида ҳар бир сиёсий партиянинг ўз сайловолди дастури асосида олиб бораётган ишларини кенг жамоатчиликка етказилиши, партия фаолла-

рининг тарғибот ишларини олиб бориши катта аҳамиятга эга. Айниқса, бугунги кунда матбуот ходимлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш лозим.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти кенгаши раиси ўринбосари А.Асханов номзодларни танлаш борасида олиб борилаётган ишлар, жойларда ташкил этилаётган дав-ра суҳбатлари ва учрашувларда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишга эътибор қаратилганлигини таъкидлади. БПТлар томонидан оилаларга кириб бориб хотин-қизлар, вақтинча ишсиз фуқаролар билан сайлов қонунчилиги юзасидан кенг қамровли тарғибот ишлари олиб борилаётгани ҳақида ахборот берди.

Вилоят сайлов комиссияси раиси А.Султонов комиссиялар фаолиятини тўғри ташкил этиш, улар олдида турган долзарб вазифалар, матбуот ходимлари билан ҳамкорлик масалаларида ўз фикрларини билдирди. Сайлов қонунчилиги ва унга киритилган ўзгаришларни фуқароларга тушултириш, бўлажак сиёсий жараёнга тайёргарлик ишларидан хабардор этиб бориш журналистлар олдида турган долзарб вазифа эканини таъкидлади. Вилоят партия кенгаши матбуот хизмати ишини янада жадаллаштириш юзасидан ўз тақлифларини билдирди.

Мунозаралар давомида анжуман иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Акбаржон НАЗАРОВ,
«Адолат» СДП Андижон вилояти кенгаши матбуот котиби

самарали бўлди. Президент Ислам Каримов анжуман иштирокчиларига табрик йўлагани конференция нуфузини янада оширди.

Конференция доирасида мамлакатнингизда минтақада экологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганига ғувоҳ бўлдик. Ай-тиш мумкинки, кучларни бирлаштирган ҳолда Орол муаммосини ҳал этишга эришиш мумкин. Анжуманда кўплаб мамлакатлардан олим ва мутахассислар иштирок этгани ҳамда фойдали келишувларга эришилгани яқин келажакда мазкур муаммага ечим топишга асос борлигига ишончли мустаҳкамлайди.

Ташкилотимиз Орол денгизи минтақасидаги эко-

логик офат оқибатларини юмшатишга оид амалга ошириладиган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга доим тайёр.

Шун-ичи МУРАТА,
БМТнинг Оснэ ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси ижрочи котиби ўринбосари:

— Халқоро конференция натижалари Орол муаммосига халқоро ҳамжамият эътиборини янада кенгроқ жалб этиш, самарали халқоро ҳамкорлик учун асос бўладиган вазиятни яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишда муҳим қadam бўлди.

Конференция доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини умумий ижтимо-

ий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли дастурлар изчил амалга оширилаётганига амин бўлдик. Бундан ташқари, Орол денгизи минтақасидаги ҳудудларнинг экологик аҳолини яхшилаш, кишлоқ хўжалиги салоҳиятини ошириш, аҳолини соғломлаштириш, сув билан таъминлаш, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш бўйича қатор мақсадли лойиҳалар босқичма-босқич рўёбга чиқарилаётгани эътиборга молик.

Ташкилотимиз Ўзбекистон билан кўплаб йўналишларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Орол муаммосини бартараф этиш борасидаги лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда. Келгусида бу борадаги алоқаларни янада фаоллаштириш ниятидмиз.

Акмал СИДДИК,
Осиё Тараққиёт банкининг атроф-муҳит, табиий ресурслар ва кишлоқ хўжалиги масалалари бўйича департаменти директори:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти, Орол-ни кутқариш халқоро жамғармаси раиси Ислам Каримовнинг конференция иштирокчиларига йўлаган табриги менда катта таассурот қолдирди. Унда Орол инқирозининг атроф-муҳит ва бу ерда яшаётган миллионлаб аҳоли ҳаётига ҳалокатли таъсирини қамойтириш бўйича билдирилган фикрлар биз, мутахассислар учун ғоят қизиқарли ва фойдали бўлди.

Ўзбекистон томонидан Оролбўйидаги вазиятни яхшилаш бўйича қатор самарали ишлар амалга оширилаёттир. Оролни кутқариш халқоро жам-

сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлайди

ОАВ вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар иштирок этиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга катта аҳамият берилгани туфайли сиёсий партиялардан кўрсатиладиган номзодларнинг камида ўттиз фоизи хотин-қизлар вакиллари бўлиши шарт экани белгилаб қўйилди.

“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг тўртинчи устивор йўналишида Президентимиз томонидан сайлов жараёнларини янада демократлаштиришга қаратилган сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш йўналиши бўйича илгари сурган ташаббуслардан сўнг соҳага оид қонунларга тегишли ўзгаришларни киритишга қаратилган сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини янада ривожлантириш йўналиши бўйича илгари сурган ташаббуслардан сўнг соҳага оид қонунларга тегишли ўзгаришларни киритиш ҳақида”ги қонун киритилди.

Хусусан, 2012 йил 19 декабрда “Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддаларида сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга оширилмайдиган ва сайловчиларни депутатликка номзодлиги ёки сиёсий партияга аъзолиги овоз беришга қаратилган фаолият эканлиги

Маъмур қонунга кўра, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 27-моддаси ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддаларида сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга оширилмайдиган ва сайловчиларни депутатликка номзодлиги ёки сиёсий партияга аъзолиги овоз беришга қаратилган фаолият эканлиги



ҳақида қонуний таърифи берилиб, олиб бориш шартлари, турлари ва уни амалга ошириш усуллари ва механизмлари аниқ кўрсатилди.

Жумладан, сайловолди ташвиқотини олиб бориш оммавий ахборот воситалари, шунингдек, телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғи) орқали, босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилиши белгиланди.

Шу билан бирга, сайловолди ташвиқотни нафақат сайлов кунини, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслиги тўғрисидаги норманинг киритилиши сайловчиларга ўз қарашларини, сиёсий хайрихоҳлигини аниқлаб олишларига имкон яратиб билан бирга, овоз бериш арасида турли суиистеъмоллик ҳолатлари ва қонунбузилишларнинг олдини олиш имконини ҳам беради.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 41-моддаси ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 38-моддаларида мuddатидан олдин овоз бериш тартиб-қоидаси билан боғлиқ нормаларга қўшимчалар киритилди.

Хусусан, сайлов кунини ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи мuddатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиб, мuddатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланиши ва сайловга бир кун қолганида тугалланиши белгилаб ўтилган. Мазкур масаланинг қонунда аниқ мустаҳкамлаб қўйилиши фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари амалга оширилиши, участка сайлов комиссиялари фаолияти ошқоралигини таъминлаш ва сайлов қонунчилиги бузилиши олдини олиш имконини ҳам беради.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 65-моддаси ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 49-моддалари

ри иккинчи қисмида овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек, овоз бериш кунини жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғи)га жойлаштиришга йўл қўйилмаслиги каби нормаларнинг киритилиши сайловчилар ҳуқуқларининг янада ишончли химова қилиниши, муайян номзодга гаразли муносабатда бўлиш, бу борада сайлов қонунчилиги бузилишининг олдини олиш имконини беради.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференцияларда кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқини белгилаб берган қўшимча киритилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича киритилган қўшимча ва ўзгаришлар тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида демократиянинг муҳим белгиси бўлган сайлов жараёнини янада либераллаштириш, унинг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ва мустақил билдиришлари учун мавжуд механизмларни янада такомиллаштиришга хизмат қиладиган ислохотлар бўлиши эътироф этиш мумкин.

Нодир МАМАДИЕВ,
Сурхондарё вилояти,
одлия бошқормаси
бўлими бошлиғи

Қадрини топган меҳнатнинг нони бутун, хирмони баланд бўлади

Давоми. Бошқ. 1-бетда

Муҳтарам Президентимизнинг мамлакатимиз пахтакорларига йўллаган табригини эшитиб, касбу қоримдан бениҳоя гурурланиб кетдим. Қаранг, пахтакор меҳнати қанчалик эъзоз, эътиборда. Техникаси бениҳоя ишлагани, даласига сув раван етиб келиши, ҳосили барвақт, сифати пишиб етилиши учун қанча мутахассису мелиораторлар, селекционерлар деҳқон билан ҳамкор, ҳамқадим. Шу боис пахта етиштириётган деҳқоннинг меҳнатида унум, хирмонида файз, рўзғорда ризқ-барака бўлапти.

Бугун ҳеч истисносиз айтиш мумкинки, пахтачилик мамлакатимизда чинакам иқтисодий ҳисоб-китобларга ва молиявий рағбатлантиришларга асосланган даромадли соҳага айланиб янги тараққиёт даврига ўтмоқда. Хомашёнинг асосий қисми ўзимизда қайта ишланиши туфайли пахта рақобатбардош, экспортга йўналтирилган енгил сановат тармоғига куч-қувват бағишламоқда. Кишлоқларнинг ўзидики оқори модернизациялашган қорхо-

наларнинг пайдо бўлишига, минглаб янги иш ўринларининг яратилишига асос бўлмади. Соҳага ҳукумат даражада кўрсатилган эътибор, ёрдам туфайли пахтачилик миллий манфаатларимизга тўла мос келадиган, жаҳон бозоридики муносиб ўрин топадиган ва меҳнатнинг қадри улуғланган, оилалар фаровонлиги таъминланган ишга айланди.

Ўзим кўптармоқли фермер хўжалигига узоқ вақтдан буён раҳбарлик қилиб келаяпман. Пахта, ғалла етиштираман. Натижалар йил сайин салмоқли бўлиб борапти. Бу йил ҳам пахтачи барвақт тегиб олди. Ёгин-сочинли кунларга қолдирадими. Шу боис сифат юқори, қўшимча даромаднинг етаклаб келадиган бўлди. Демократия, пахтачиликда меҳнатнинг меъёрини, ҳисоб-китобни биладиган асло ўтказмапти.

Бугун кишлоқларимизда деҳқончилик маданияти гуркираб юксалаётганлиги, янги интенсив технологиялар амалиётга жорий этилаётганлиги, экологик ҳолат мунтазам назорат қилинаётгани, ерларни соғломлаштиришга,



Дўстмурод АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Қоҳрамони,
Пахтачи туманидаги
кўптармоқли фермер хўжалиги
раҳбари,
“Адолот” СДП аъзоси

мелиорацияга катта эътибор қаратилаётгани узоқ истиқболни кўзлаб юритилаётган оқилна сиёсат деб биламан. Ва, бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар аграр соҳани, хусусан, пахтачиликни янги тараққиёт йўлига бошлаб, унинг натижаларидан элли баҳраманд қилаверади.

Тинчлик ва дўстлик қарор топган юрт

Давоми. Бошқ. 1-бетда

Бухоро вилоятида, жумладан, биз истиқомат қилаётган Бухоро туманидаги “Туркон” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ўзбеклар билан қон-қардошлик ришталари қадим-қадимларга бориб тақаладиган туркман миллатига мансуб юзлаб оилалар истиқомат қилади. Улар шу заминда паллақ ёйиб, шу юртининг нон тузидан татиб умргузаронлик қилмоқдалар. Кувонарлиси, бизнинг тўймаърақаларимиз бир, яхши-ёмон кунларда бир-биримизга суяниқ бўлиб келмоқдамиз. Узоқ йиллардан буён ўзбек халқи билан қўниқўшни, дўст-биродар, қуданд бўлиб яшаб келаётган бу фуқаролар ҳам серқўёш Ўзбекистонни ўзларининг киндик қони тўкилган Ватани, деб билишади. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган бошқа кўпмиллат вакиллари қатори улар ҳам шу заминда эмин-эркин, тинч ва осойишта яшаётганликларидан, меҳнат қилаётганликларидан, Ўзбекистонда инсон учун яратилган барча имкониятлардан фойдаланаётганликларидан фахрланишади.

Яратганга шукроналар бўлсинки, мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори, бизнинг аҳоли яшаш масканимиз, унинг ҳудудидаги маҳалла ва кишлоқларимизда ҳам тинчлик, осойишталик ҳукмрон. Ҳавас қилишга арзиғulik бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, қишлоқ ва кўчаларимиз кундан-кунга чиқариб борапти. Қурилатган янги замонавий уй-жойлар, савдо, ишлаб чиқариш ва бошқа аҳолига хизмат кўрсатиш объектлари, таълим муассасалари, спорт-соғломлаштириш масканлари

ҳавас қилишга арзиғulik. Бу каби ихобий ўзгаришларнинг замирида эса албатта, маҳалла фуқароларининг ҳамжиҳатлик асосида, бир-биримизга қўйиб ҳаракат қилишаётгани ётибди, десам сира янглишмаган бўламан.

Албатта, туркман миллатига мансуб аҳоли ҳам бундай эзгу ишлардан четда қолаётгани йўқ. Ўз туғилиб ўсган Ватани — Ўзбекистон учун, унинг порлоқ келажаги ва истиқболли учун олиб борилаётган эзгу ишларда уларнинг ҳам камтарона улушлари бор. Вилоят туркман миллий маданият маркази томонидан йиғинимиз ҳудудида тез-тез ўтказиб турилаётган турли тадбирлар ҳам икки миллатдан кувончини баҳам кўриб келган ўзбек ва туркман халқлари азалдан бир-бирининг маданиятини бойитиб, савдотик қилиб келади, бир дарёдан сув ичади. Аждодларимизнинг илмий-маънавий ва адабий мероси халқларимизнинг умумий мулки саналарди. Ишонч билан айтиш мумкинки, Туркманистонда Алишер Навоий, Ўзбекистонда Махтумқули асарлари кириб бормаган хонадон деярли йўқ. Ташриф давомида ўзаро давлат муқофотлари билан тақдирлаш маросимининг ўтказилиши ҳам икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар мустақиллик йилларида янги, сифат жиҳатдан янада юқори босқичга кўтарилганининг ёрқин ифодасидир. Бунинг тимсолида мен халқларимиз дўстлигини, қадрдонлигини, қондошлигини, бир-бирига бўлган меҳрини яна бир бор ҳис этдим.

Матбуот, телевидение орқали дунёнинг турли бурчакларидики миллатлараро ва этник зиддиятлар туфайли нозолар юз бераётганидан, беғуноҳ одамларнинг қони тўкилаётганидан хабар тоганидан, да турли миллат ва элат вакиллари билан алоқа ва осудалик ҳукм сурган юртимизда фаровон ҳаёт огушида яшаётганига минг қатла шукр қиларкансан киши. Ўз навбатида, бу кунларнинг қадрига етиш, тараққиёт, барқарор ривожланиш гарови бўлган тинчликимизни асраб-авайлашга ўз ҳиссамизни қўшимизимиз.

Бу ҳақда гап кетганда, мамлакатимиз раҳбарияти бошқа давлатлар билан яхши қўничилик, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатлари ҳар томонлама мустаҳкамлашига улкан ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлаш даркор. Шу боисдан, муҳтарам Юртбошимизнинг яқинда Туркманистонда расмий

ташриф билан бўлишини республикамизда яшаётган туркманлар ҳам катта қизиқиш билан кузатишди. Икки дўст давлат раҳбарларининг самимий мулоқотлари, томонлар ўртасида имзоланган қатор ҳужжатлар ўзбек-туркман алоқаларини навбатдаги босқичга олиб чиқишга, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамлашига хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбекистон ва Туркманистон халқларининг умумий тарихи, муштарак маданият ва қадриятлар, ўхшаш тил ва урф-одатлар ўзаро боғлаб туради. Тақдир синовлари даврида бир-бирини елкадош бўлиб, саодатли дамларда кувончини баҳам кўриб келган ўзбек ва туркман халқлари азалдан бир-бирининг маданиятини бойитиб, савдотик қилиб келади, бир дарёдан сув ичади. Аждодларимизнинг илмий-маънавий ва адабий мероси халқларимизнинг умумий мулки саналарди. Ишонч билан айтиш мумкинки, Туркманистонда Алишер Навоий, Ўзбекистонда Махтумқули асарлари кириб бормаган хонадон деярли йўқ. Ташриф давомида ўзаро давлат муқофотлари билан тақдирлаш маросимининг ўтказилиши ҳам икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар мустақиллик йилларида янги, сифат жиҳатдан янада юқори босқичга кўтарилганининг ёрқин ифодасидир. Бунинг тимсолида мен халқларимиз дўстлигини, қадрдонлигини, қондошлигини, бир-бирига бўлган меҳрини яна бир бор ҳис этдим.

Матбуот, телевидение орқали дунёнинг турли бурчакларидики миллатлараро ва этник зиддиятлар туфайли нозолар юз бераётганидан, беғуноҳ одамларнинг қони тўкилаётганидан хабар тоганидан, да турли миллат ва элат вакиллари билан алоқа ва осудалик ҳукм сурган юртимизда фаровон ҳаёт огушида яшаётганига минг қатла шукр қиларкансан киши. Ўз навбатида, бу кунларнинг қадрига етиш, тараққиёт, барқарор ривожланиш гарови бўлган тинчликимизни асраб-авайлашга ўз ҳиссамизни қўшимизимиз.

Бу ҳақда гап кетганда, мамлакатимиз раҳбарияти бошқа давлатлар билан яхши қўничилик, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатлари ҳар томонлама мустаҳкамлашига улкан ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлаш даркор. Шу боисдан, муҳтарам Юртбошимизнинг яқинда Туркманистонда расмий

Бахтиёр ШЕРИПОВ,
Бухоро тумани ободонлаштириш
бошқармаси бўлими бошлиғи,
“Дўстлик” ордени соҳибидир

Масъулият оширилмоғи зарур

“101” огоҳлантиради

Республика ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан олиб борилган таҳлилларга кўра, жорий йилнинг шу пайтигача мамлакатимиз бўйича ёнгинларнинг 38 фоизи оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, 28 фоизи электр жиҳозлари носозлиги, 16,2 фоизи иситиш печларидан нотўғри фойдаланиш ёки уларнинг носозлиги, 10,5 фоизи болаларнинг олов билан ўйнаши сабабли содир бўлган.

Бош бошқарма ва унинг вилоятлардаги бошқарма ҳамда бўлинмалари аҳоли турар жойларида ёнгинларнинг олдини олишга доир қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари ўзларига бириктирилган ҳудудлардаги ишлаб чиқариш, савдо-сановат ва бошқа тармоқлар масканларида ёнгин хавфсизлиги қоидалари тарғиботини қўлайтирган ҳолда меҳнат жамоалари, аҳолининг кенг қатлами билан учрашув ва суҳбатлар ўтказишмоқда. Жойларда газ ва электр қувватидан ноқонуний равишда фойдаланиш, техник талабларга жавоб бермайдиган носоз иссиқлик ҳамда ёритиш манбаларидан фойдаланишнинг олдини олиш мақсадларида тегишли идора ва корхоналар, маҳалалар, ўзини ўзи бошқариш идора ҳамда

ташкilotлари билан ҳамкорликда ёнгинларга олиб келувчи омилларни барқарор этишга қаратилган тадбирлар ўтказиб келинаётир.

Табиий газни хонадонларга ўзбошимчилик билан улаб олиш, газ ускуналарида фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик, маиший газ қурилмаларидан нотўғри фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида бир қатор текширув-рейдлари ўтказилди.

Олиб борилган текширув ва ўрганишлар натижалари бўйича ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузаётган ёхуд ёнгин назорати органларининг ёзма кўрсатмаларини бажармаётган раҳбар, жавобгар шахслар ва фуқаролар маъмурий жавобгарликка тортилдilar. Эздик билан барқарор этилмағлиги ёнгин содир бўлишига олиб келиши мумкин бўлган бино ва иншоотларнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди, носоз электр ускуна, мослама ва агрегатлардан фойдаланиш тақиқланди.

Қаерда ва қайси бир хонадон ёки идора, ташкilot ёки муассасада табиий газдан нотўғри фойдаланиш, техник талабга жавоб бермайдиган газ ускуналари қўллаш каби ҳолатларга йўл қўйилар экан, ўша жойда ёнгин офати хавф солиши ҳеч гапмас. Шундай экан, ҳар бир хонадон ва иншоотларда қонун бузилиши ва қоидабузарликларга қарши курашда жамоатчиликнинг масъулияти оширилмоғи керак.

Анвар ХУДАЙҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
ЎХББ катта мўҳандиси, майор

Сўранг, жавоб берамиз!

Автомототранспорт воситаларини ижарага бериш билан боғлиқ битимларни тасдиқлашда нотариус қандай ҳужжатларни талаб қилади?

Ф. Мустанов,
Термиз шахри

Автомототранспорт воситаларини ижарага бериш билан боғлиқ битимларни тасдиқлашда нотариус қуйидаги ҳужжатларни талаб қилади:

мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат, яъни транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси (нусхаси қолдирилиб, асли қайтариб берилади);
автомототранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва хатланмагани ҳақидаги маълумот;

автомототранспорт воситаси умумий биргаликдаги мулк бўлган тақдирда (эр-хотиннинг биргаликдаги мулки), барча эгаларининг (эр-хотиннинг) розилиги;

тарафларнинг туман давлат солиқ хизмати органидан берилган ва солиқ тўловининг идентификация рақами (СТИР);

давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат (тўлов топшириқномаси, квитанция).

Саволга Шеробод тумани
2-сон ДНИ нотариуси
А. УСМОНОВ
жавоб берди.

гармасига раислик қилаётган Ўзбекистон томонидан ушбу муҳим конференциянинг ташкил этилиши ҳам мамлакатимизда Орол муаммосига алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Биз минтақада юзага келган экологик вазиятни ўнглаш, аввало, сувдан оқилна, тежаб-терғаб фойдаланиш борасида Ўзбекистон билан ҳамкорликда қатор кўшма лойиҳаларни амалга ошириб келяпти. Анжуманда олим ва мутахассислар, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, ишбилармон доиралар бу саъй-ҳаракатларга қўшилишга тайёр эканликларини билдирди.

Пол БРАНДТ-РОФ,
Иллинойс штати университетининг соғлиқни сақлаш мактаби директори (АҚШ):

— Президент Ислам Каримовнинг халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган мурожаатида Оролбўйи минтақасида юзага келган оғир вазият чуқур таҳлил қилинган. Ўзбекистон раҳбари бу ердаги аҳолининг генофонди ва саломатлигини сақлаш ва таъминлаш учун шороит яратиш, ижтимоий инфратузилмани, тиббий ва таълим муассасалари тармоғини кенг ривожлантириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган.

Оролнинг қуриган қисмида кўтарилаётган миллионлаб тонна туз ва чанг катта ҳудудда тарқалиб, одамлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатапти.

Конференция шу каби муаммоларга эътибор қаратиш ва уларнинг ечимини топишга ёрдам беради. Анжуман иштирокчилари бугунги кунда амал-

да оширилаётган чора-тадбирларни муҳокама этиш билан бирга келгусидаги ишлар йўналишларини ҳам белгилаб олди. Мазкур халқаро анжуман Оролбўйидаги вазият билан бевоқиф танишиш, аҳоли саломатлигини мониторинг қилиш, шунингдек, атроф-муҳит ифлосланишининг салбий оқибатларини енгиллаштириш бўйича янги тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди.

Хуан БАРБА,
“Есперо” компанияси менежери (Испания):
— Ўзбекистон Орол денгизи минтақасидаги экотизимларни қайта тиклаш ва ҳимоя қилиш, аҳоли саломатлиги ва генофондини сақлаш борасида муайян ишларни амалга ошириш билан бирга, ушбу масалага халқаро ҳамжамият эъти-

борини қаратаётгани бежиз эмас. Чунки Оролбўйидаги экологик офат таъсири бошқа кўпмиллат мамлакатларда ҳам сезилмоқда. Бу муаммага ечим топиш долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Форум дунёнинг етакчи экспертлари ва мутахассислари учун ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини берди. Ушбу йирик анжуман Оролбўйи ҳудудидаги экологик ва ижтимоий вазиятни барқарорлаштириш ва яхшилаш йўлида муҳим қадам бўлди.

ЎЗА махсус муҳбири
Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди.



Сиз Қурултойдан нима кутаяпсиз?

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси VI Қурултойи партиянинг ўтган даврдаги фаолиятини сарҳисоб қилиб, янги вазифаларни белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этади, албатта.



Ҳаётилло ТИЛЛАБОВЕВ,
Андижон вилояти партия кенгаши
Ёшлар билан ишлаш бўлими
мудир

Қурултойда "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони" деб номланган сайловолди дастури ҳисобот даврида нечоғли ҳаётга татбиқ этилгани ўз ҳолиси баҳосини олади, деб ўйлайман.

Шу ўринда бугунги кунда партия фаолиятида "Ёш адолатчилар"нинг алоҳида ўрин эгаллаётганини таъкидлаш лозим. Охириги икки-уч йил ичида партия сафида ёшлар сонининг ортиб бораётгани, "Ёш адолатчилар" қаноти ташаббуси билан ўтказилаётган тадбирларнинг самарадорлиги яққол кўзга ташланаётгани, ёшлар ҳаёти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда янги ташаббуслар билан чиқаётгани қувонарли.

Мен Қурултойдан кейинги фаолиятимизда кўп ўзгаришларни кутмоқдаман. Биринчи навбатда, Сайловолди дастуридаги тақлиф этилаётган гоғлар бир мақсад — партияимизнинг аҳоли орасидаги, умуман, жамиятдаги ўрни янада ортишига хизмат қилиши тарафдориман.

Шунингдек, давр муаммоси бўлган одам савдоси, жиноятчиликка қарши курашиш ва бу йўлда сафимиздаги ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш тарафдориман. Бунинг учун ҳудудий кенгашларда жамоатчилик асосида "Ёш ҳуқуқшунослар" клуби ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Клубнинг асосий фаолияти маҳаллалардаги уюлмаган ёшларга қаратилмоғи ўринлидир. Негаки ёшлар орасидаги жиноятлар кўп ҳолларда вақтинча ишисиз бўлган ёшлар томонидан содир этилади. Агар биз уларни сафимизга қўшиб, ҳуқуқий билиминини ошириб бурсак, ижобий натижаларга эришамиз.

Яна атроф-муҳит тозалиги ва экологик маданиятни юксалтириш масаласи ҳам партия Сайловолди дастурига киритилишини истардим. Агар тенгдошларимиз ўзи яшаб турган ҳудуднинг экологик ҳолатига, тозалигига эътиборли бўлса, бу билан юзга келиши мумкин бўлган турли экологик муаммоларнинг олдини олишга ҳам ўз ҳиссасини қўшади.

Ишонманки, ўтказилажак Қурултой партиядошларимиз кутганидек энг долзарб муаммоларнинг ечилишига хизмат қилади.

Мен 2009 йилда ташкил этилган партияимизнинг V Қурултойида ҳам иштирок этганман. Қурултойда партияимиз аъзолари ва вилоятлардан сайланган делегатлар орасида республикамизнинг таниқли, обрўли кишиларини кўриб, халқ эътиборига сазовор бўлган шундай инсонлар билан бир партияда эканимдан фخرланганман. Шу билан бирга сайловлар арафасида мана шундай партиядошлар олдида катта масъулият ҳис қилган эдик.



Дилбар ХАМДАМОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Бухоро вилояти кенгаши
раиси биринчи ўринбосари

Мана шу масъулият сабаб ўтган сайловларда партияимизнинг Бухоро вилояти кенгаши Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 2 ўринга, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига 41 ўринга номзодлар сайланшига эришди. Бундан руҳланган вилоят кенгаши аъзолари ўтган 5 йил давомида ҳам партия фаолиятини янада жонлантиришга, депутатлар, "Ёш адолатчилар" ва "Аёллар қаноти" фаолигини ошириш ҳисобидан халқ орасида партияимизнинг обрўсини янада юксалтиришга, бизга маслаҳатдош бўлган инсонларни партия атрофида жипслаштиришга ҳаракат қилишди.

Бу йилги сайловларга қаттиқ тайёргарлик кўрганмиз. Сайловларда муносиб иштирок этиш учун олдинги сайлов кампанияларини чуқур танқидий таҳлил этиб, бошқа сиёсий партиялар салоҳиятини ўрганиб чиқдик. Олдинги сайловларда йўл қўйган камчиликларимиз, бой берган имкониятларимиздан ҳолисона хулосалар чиқардик.

Номзодларнинг сиёсий билимларини ошириш, сайловларга тайёрлаш мақсадида ФЖШМҚМИ Бухоро вилоят бўлими билан ҳамкорликда 50 дан ортқ сиёсий ўқувлар ташкил этдик. З.Жумаев, К.Бомуродов, Н.Мўминова, А.Сулаймонов, М.Набиев сингари фаол, халқимиз ҳурматида сазовор бўлган депутатларимиз амалга ошираётган ишларни кенг оммага кўрсатишга ҳаракат қилдик. Мана шундай фаолиятимиз натижасида 2013 йил Бухоро вилояти кенгаши "Энг намунали ҳудудий партия ташкилоти" танловида 3-ўринга, Жондор туман кенгаши депутатлик гуруҳи эса "Энг намунали депутатлик гуруҳи" кўрик-танловида 1-ўринга сазовор бўлди. Шу билан бирга 2 марта "Энг яхши матбуот котиби" кўрик-танловида голибликни қўлга киритганмиз. Вилоят ҳокимлиги ва хотин-қизлар кўмитасининг ташақкурномалари билан тақдирланганмиз.

Бу йил ҳам Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг VI Қурултойига делегат этиб сайландим. Бу албатта, мен учун шараф. Қурултойдан жуда катта ишларни бажариш учун йўлланма оламиз. Ўтган йиллар давомида эришган ютуқларимизни сарҳисоб қилиш билан бирга келгусида партияимиз олдида кўйган мақсад ва вазифаларни белгилаб оламиз. Қурултойда партия Устави ҳамда янги тахрирдаги партия Дастурини ҳам қабул қиламиз. 2014 йил давомида партия Уставининг янги тахририда партиянинг асосий мақсадлари ва вазифаларига аниқлик киритилди ва улар бугунги кунда мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар, социал-демократиянинг асосий кадрлялари, мақсад ва вазифаларига мувофиқлаштирилди. Шу билан бирга янги тахрирдаги Дастуриимизда ҳам партиянинг доимий мақсад ва вазифалари қаторида долзарб этиб инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, вакиллик демократиясини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини кучайтириш, иқтисодий барқарор ривожланиш бўйича партия позициялари ва тақлифлари, ижтимоий масалаларда ва ташқи сиёсатда партиянинг устувор позицияси белгилаб берилди.

Бу йил вилоят кенгашимиз олдида катта вазифалар турибди. Шундай экан, бор кучимизни, тажрибамиз ва билимимизни ишга солиб сайловларда ўз овозимизга ўз ўрнимизга эга бўлишимизга қаттиқ ишонаман.

Мамлакат ижтимоий-сиёсий тараққиётига ўз таъсирини кўрсатишга қодир муҳим тақлифлар, амалий ёндашувлар ва ислохотлар жараёнига бевосита дохилдор қонунчилик ташаббуслари билан тобора кўпроқ тарафдорларга эга бўлаётган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ўзининг VI Қурултойини сафлар мустаҳкамлаган, барча бўғинлардаги ўзаро ҳамкорликлар кучайган, партиявий ишлар самарадорлиги учун интизом ва масъулият шаклланган бир шароитда кутиб олмақда.

Ўзимиздан мисол. Бир йил давомида халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида электротат манфаатларига бевосита жавоб берадиган учта муҳим қарор қабул қилинди ва жойларда ижро этиш учун назоратга олинди. Ҳокимият ва давлат бошқаруви идораларидаги тегишли соҳаларга масъул раҳбарларнинг ўз фаолияти бўйича ҳисобдорлигини таъминлаш мақсадида партия депутатлик гуруҳи ва доимий комиссиялар иштирокда 8 та ҳисобот эшитилди.

Бу ҳисоботлар — тижорат банкларининг кредит йўналишидаги ишлари яхшилаш, электр энергияси таъминотини тартибга солиш, боғдорчилик ва узумчилик соҳасини янги технологиялар асосида ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлгани боис алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Албатта, жойларда БПТларни тузиш ва улар сонини ҳисобга олиб бориш билангина иш битмайди. БПТни мустақил амалий фаолият юритиши учун доимий равишда

қўллаб-қувватлаш лозим. Чунки партиянинг бошланғич ташкилоти жойлардаги ижтимоий вазиятдан бевосита хабардор ва муаммони ҳал этишнинг кулай йўлларини тақлиф этишга қодир куч ҳисобланади. Шундай экан, Қурултой давомида БПТларнинг қонунлар доирасида мустақил, амалий фаолият юритиши учун алоҳида ваколатлар берилишини истардим. Ахир биргина Самарқанд вилоят партия кенгаши таркибиде 385 та БПТ рўйхатда олинган. Лекин улардан қанчаси муҳим ижтимоий лойиҳалар тақлиф этган ёки неча марта маҳалладаги ёки қорхонадаги электротат вакиллари учун БПТнинг қуруқ савлати эмас, курашчанлиги лаёқати керак.

Партия кенгашидаги ўз ҳисобдорлиги партия аъзоларини зарур пайтларда қўллаб-қувватлаши, ҳимоя қила олиши керак. Бу, ҳусусан партия фаолиятининг мурожаатларини эътиборга олиш ва ўз вақтида



Шухрат ЖАМОЛОВ,
партиянинг халқ депутатлари
Сомарқанд вилоят Кенгашидаги
депутатлик гуруҳи раҳбари

жавоб қайтариши, унинг номзодини ҳокимият ҳамда давлат бошқаруви идоралари раҳбарлик ишларига тавсия этиш сингари масалаларни ўз ичига олиши лозим.

Партия дастуридаги энг муҳим мақсад ва вазифалар жойларда амалиётга жорий этилиши ҳолисона, танқидий ўрганилиши, умумлаштирилиши ва ижобий тажриба сифатида барча ҳудудлардаги партия кенгашлари, депутатлик гуруҳларига тавсия этилиши лозим. Чунки биз бир-биримиздан ўрганиб, бир-биримизни қўллаб-қувватлаб ҳаракат қилсак, жамиятда адолатли, фаровон турмушни таъминлашга қўмақлашувчи сиёсий куч ҳисобланамиз. Адолат байроғи юртдошларимизнинг орзу-мақсадлари йўлида ҳиллаб туришини кўриш, ҳис этишининг ўзи катта бахт.

Сайловдан сайловгача даврда "Адолат" социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши сайловолди дастурдаги вазифалардан келиб чиқиб, қонун устувор бўлган жамият барпо этиш, бошқарувда очиқлик, ҳисобдорликни таъминлаш борасида саъй-ҳаракатлар олиб бармоқда.

Шунингдек, таъсирчан тадбирлар, халқчил гоғлар, электротат манфаатларини ҳимоя қилиш, янги гоғ ва ташаббусларни илгари суриш орқали аҳоли орасида нуфузга эришмоқда. Ушбу жараёнда партия ходимлари ва аъзоларидан алоҳида фаоллик, ўз ишига масъулият билан ёндашиш ва партияга келиб тушувчи ҳар бир мурожаатга лаббай, деб жавоб бериш муҳим ҳисобланади. Ўтган давр мубайнида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича уч мингга яқин турли йўналишдаги тадбирлар ўтказилиб, уларда қарийб 100 миң нафарга яқин партия гоғ ва мақсадларига хайрихоҳ бўлган юртдошларимиз иштирок этгани фикримиз далилидир.

Қурултой ишида беш йил оралиғида амалга оширган ишларимиз ва партия фракциясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фаолияти сарҳисоб қилиниб, истиқболдаги вазифалар, партияимизнинг раванки ва салоҳияти учун зарур қарорлар қабул қилиниши режалаштирилмоқда. Айниқса, Ёшлар билан ишлаш бўлими, "Аёллар қаноти" ҳамда партия гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича зарур тақлифларни бериш, чекка жойларда ҳам тарғибот-ташвиқот ишлари орқали партияга хайрихоҳ фуқароларни жалб қилиш олди-

мизда турган бирламчи вазифадир.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир сиёсий партия электротати ишончини оқлашга интилиб, Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришда ўз ҳиссасини қўшиб боришга ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлида фаол иштирок этишга ҳаракат қилади.

Албатта, Қурултойдан умидимиз катта. Сабаби, ушбу Қурултойда партияимизнинг келгуси фаолияти учун муҳим ҳисобланган янги тахрирдаги Устави ва Сайловолди дастури қабул қилинади, аъзолар зиммасига партия позициясини янада мустаҳкамлашда янги масъулиятли вазифалар юкланади, энг муҳими елкамиздаги вазифалар кейинги беш йилликда сидқидилдан адо этиш учун оқ саҳифа очилади.

Ўтган беш йиллик ҳисобот даврида партиянинг Жиззах вилояти кенгаши фаолиятини сарҳисоб қиладиган бўлсак, унда кенгаш томонидан аъзолар сони, бошланғич партия ташкилотлари, тадбирлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, партия гуруҳлари ишини янада жонлантириш бўйича муайян натижаларга эришилгани, маълум ютуқлар қўлга киритилганини кўриш мумкин.

Жумладан, 2009 йилда партия аъзолари сони 2,5 миң нафарни ташкил этган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 4 миңга етди. Партиянинг сайловдан сайловгача бўлган даврда муҳим бўлини ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари сони эса 52 тадан 84 тага ошди. Бу эса, партия кенгаши аҳоли билан мулоқотлар олиб бориши, уни ўйлантираётган муаммоларга дахлдорлик туйғусини ҳис қилиши, энг муҳими жамиятда мавжуд муаммоларга ечим топиш мақсадида тинимсиз изланаётганини аңглатади.

Айтиш жоиз, халқ депутатлари Жиззах вилоят ва маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан ҳам қўлпана кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолининг кенг қат-

ламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларидаги болаларни сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш борасида тиббий профилактик чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Режага асосан, «Оналик ва болалик» муҳофиза қилиш», «Соғлом она — соғлом бола», «Спорт — соғлом турмуш гарови», «Соғлом миллат генфондини асраш», «Кийлоқ аёлларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётда иштирокини кенгайтириш» каби мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг навбатдаги VI Қурултойига тайёргарлик босқичи ҳамда сайловдан сайловгача бўлган давр оралиғида партиянинг



Дарибой ДОШЕТОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Қорақалпоғистон Республикаси
Кенгаши аъзоси

яни Сайловолди дастури ва Устави киритиладиган ўзгаришлар партия электротат манфаатларига хизмат қилувчи қоя ва вазифаларни янгиликдан белгилаб олиш, бажарилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар олдида ҳисоб бериш заруратини юқлайди. Шу боис, унда қатнашувчи барча делегатлар ўз фаолиятига тахлил-танқидий назар ташлаб, олдинда турган масъулиятли вазифаларга ҳозирлик қуриши талаб этилади.



Фарҳод НОРҚЎЗИЕВ,
Республика шоялининг тиббий
ёрдам илмий маркази Жиззах
филиали бошлиғи

яни Сайловолди дастури ва Устави киритиладиган ўзгаришлар партия электротат манфаатларига хизмат қилувчи қоя ва вазифаларни янгиликдан белгилаб олиш, бажарилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар олдида ҳисоб бериш заруратини юқлайди. Шу боис, унда қатнашувчи барча делегатлар ўз фаолиятига тахлил-танқидий назар ташлаб, олдинда турган масъулиятли вазифаларга ҳозирлик қуриши талаб этилади.

Партияимизнинг барча даражадаги ташкилотларида ҳисобот-сайлов конференциялари юқори савияда ўтказилиб, навбат партиянинг VI Қурултойига ҳам етиб келди. Ушбу муҳим анжуманда партия Сиёсий Кенгашининг ўтган беш йилликда амалга оширган фаолияти сарҳисоб қилиниб, янги босқичда партия олдида турган вазифалар ҳамда йўналишлар белгилаб олинади.



Дилшунос АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сирдарё вилояти кенгаши
раиси ўринбосари

Қурултойда партиянинг янги тахрирдаги Устави ҳамда Сайловолди дастури тасдиқдан ўтади. Уларда партиянинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий демократия талабларига ҳамда юртимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг орзу-умидларига монанд шарт-шароитларни юзга келтиришга ҳисса қўиши каби мақсад ва вазифалар аниқ-равшан ўз аксини топиши лозим.

Зеро, бугун фуқароларнинг онги, дунёқараши жуда тез ўзгариб бораётганини ҳисобга олсак, ўзининг аниқ дастур ва гоғлари билан ҳақиқий қуғга бўлган, ўз имконият, салоҳияти, реал қучиға месо келадиган вазифаларни бажаришга, жамиятдаги маълум қатлам қарашларини ҳимоя қилишга қодир партиягина халқнинг ишончини қозона олади.

Бугун юртимизда ҳақиқий демократик макон, фуқаролик жамиятининг асосларини барпо этиш учун зарур ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий замин яратилган. Ҳар бир фуқаро нафақат ўзининг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, шу билан бирга, ҳокимиятнинг шакллантиришда иштирок этиш имконига эга. Бу юртдошларимизнинг ижтимоий ҳаётига, сиёсий тафаккурига таъсир этмай қолмайди, албатта.

Биз мазкур йилдаги сайловларда қатнашар эканмиз, биринчи ўринда партияимиз тизимида сайлов кампаниясини бирдамлик, уюшқоқлик билан амалга оширишга эътибор қаратишимиз лозим. Аввало, ўтган сайловларда тўпланган тажрибалар асосида йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилишимиз даркор. Сайлов жараёни, электротатимиз фаоллиги, сайлов натижалари кўп жиҳатдан сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларига боғлиқ ҳисобланади. Партияимизнинг депутатликка кўрсатилаётган номзодлари ўзларининг сайловолди ташвиқоти ижобий ўтиши учун умумий гаплардан чекиниб, электротатни ўйлантираётган муаммолар ечилишининг аниқ йўлларини кўрсатиши талаб этилади. Айниқса, тарғибот-ташвиқот жараёнида юзакликдан қочишимиз даркор.

Бўлиб ўтадиган сайловда галаба қозонишимиз учун амалий фаолиятимизни таҳлил қилишимиз, мавжуд имкониятлардан қай даражада фойдалана олганимизни сарҳисоб қилишимиз керак. Айни шу жиҳат бўлажак Қурултойда намоён бўлади.

Тан олиб айтишимиз керакки, бугун сайловчилар биздан чиройли шиорларга ўралган қуруқ ваъдаларни эмас, амалий ишларни кутмоқда. Қачонки, биз одамларни ўйлантираётган муаммоларга ижобий ечим топа олсак, хоҳиш-истаклари ва ташаббусларини амалга оширишлари учун жонбозлик кўрсатсак, шундоғина улар бизни тан олишлари, сафимизга қўшилишлари мумкин.



Даврон ТАНГИРОВ,
Сурхондарё вилоят Табиати
муҳофиза қилиш
қўмитаси раиси,
партия аъзоси

Мен Ўзбекистон "Адолат" СДП сафига кирган қунимданок ана шу мақсадни дилимга туккан эдим. Халқимизда "Елғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам, донғи чиқмас" деган ибратли нақл бор. Шу боис, ўз меҳнат жамоамда бошланғич партия ташкилотини тузиб ҳамфикр, партия дастурини қўллаб-қувватловчи ҳамкасбларимизнинг бошини қовуштиришга ҳаракат қилдим. Бугунга келиб вилоят Табиати муҳофиза қилиш қўмитаси қошида тузилган БПТ аъзолари сони 63 нафарга етди.

Партияимиз Сайловолди дастурида энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратганини инобатга олган ҳолда бу борада қатор ижобий натижаларга эришдик. Жумладан, 2013 йилда Шеробот ва Музработ тумани тиббиёт бирлашмалари, туғруқ комплексларига, Узун туманидаги "Жончекка", Денов туманидаги, "Мустақиллик" ҚВПларига, Шеробот туманидаги "Бодиев-Ҳолназар-Санжарбек" фермер хўжалиги дала шийпонига бир жуфтдан хар бири 200 Втлик фотоэлектр станцияси қурилиб ишга туширилди. Бу йўлдаги саъй-ҳаракатларни изчил давом эттирган ҳолда, жорий йилнинг ўтган даври мубайнида Қизирик туманидаги "Қизирик", Бойсун туманидаги "Кофрун" ҚВПларига ҳамда Қизирик туманидаги "Маматкул" фермер хўжалиги дала шийпонига икки жуфтдан, шунингдек, Денов, Сарисийё, Узун, Шўрчи туман табиати муҳофиза қилиш инспекцияларини доимий электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 4 жуфт хар бири 200 Втлик, Бойсун тумани "Дашитғоз" маҳалласидаги "Сариқамиш" назорат постида бир жуфт 600 Втлик фотоэлектр станцияси қурилиб ишга туширилди.

Бу мисолларни келтириш билан олдимизга қўйган барча юмушларни бекам-кўст адо этолдик деган фикрдан йироқман. Партияимиз дастуридан келиб чиқиб бу борадаги ишларни бундан кейин ҳам янада кенг қўламада давом эттириш ниятидамиз. Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференциясида таъкидланганидек, сўнги йилларда партия аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари сони ортиб бормоқда, маҳаллий Кенгашлар сессияларининг кун тартибига долзарб масалаларни олиб чиқиш ва уларни ҳал этишда, партия гуруҳлари ташаббуси билан мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини тинглашда, депутатлик сўровини амалга оширишда қатор ижобий натижалар қузатирилмоқда. Лекин эришган ютуқларимиз баробарида ҳали олдимизда ечимини кутиб турган масалалар ҳам талайгина.

Аминманки, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг навбатдаги Қурултойида ана шу каби масалаларга ечим топилади.



Сиз Қурултойдан нима кутаяпсиз?

Ўтган давр мобайнида партиянинг Тошкент вилояти кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида гапиролган бўлсак, партия аъзолари сафи йиллар тақсимида кўра кўпайгани, кенгаш фаолияти дастлабки ташкил топган доврдан тўбдан янги босқичга чиққанлиги, ёшлар, аёллар билан ишлаш, аҳоли муаммоларига ечим топиш самарали йўлга қўйилганини кўриш мумкин.



Дилором АБДУГАФФОРОВА,
«Адолат» СДП Тошкент вилояти
Ёшлар билан ишлаш бўлими
мутахассиси

Жумладан, вилоят инфратузилмасидан ҳамда маҳаллий шарт-шароитларидан келиб чиқиб халқ депутатлари томонидан вилоят Кенгаши сессиялари, доимий комиссиялар йиғилишида кўпгина тақлифлар киритилди. Ушбу тақлифлар қаторидан бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга бўлган муқобил энергиядан кишлоқ хўжалиги, реабилитация марказлари, ўқув муассасаларида нуқсонли фойдаланиш, атроф-муҳитни ифлослашдан муҳофаза қилиш, пластик картонлар орқали йўллик хизмат кўрсатишни яхшилаш, электрон ҳукумат тизимини Тошкент вилоятида ривожлантириш, вилоят ҳудудида китоб савдосини йўлга қўйиш, уй-жойлардан фойдаланишдаги намунавий ишларни оммалаштирувчи кўрик-танлов эълон қилиш каби масалалар халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси муҳокама-сига киритилганини эътироф этиш жоиз.

Шунингдек, ёшларнинг инновацион салоҳиятини аниқлаш ва оммалаштириш мақсадида вилоят партия кенгаши ташаббуси ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигида «Ёш инноватор» — ислохотга кўмақдош» кўрик-танлов ўтказилди. Ундан кўзланган мақсад иқтидорли ёшлар сафини кенгайтириш, ёшлар дунёқарашини бойитиш, инновацион тафаккурни ўстиришдир.

Навбатдаги Қурултойда сайловлар жараёнига пухта тайёргарлик кўриш масаласига жиддий эътибор қаратилар экан, илоҳи борица Қонунчилик палатасида кўпроқ ўрин эгаллаш ва шу орқали партиянинг сайловолди Платформасидаги мақсад ва вазифаларни рўйбга чиқариш учун асосий йўналишлар белгиланади. Хусусан, бўлгуси сайловларда халқ хоҳиш-иродасини акс эттирувчи Сайловолди дастурини уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик асосида тарғиб қилиш муваффақиятини таъминлаш гарови бўлиб ҳисоб қилади. Айниқса, партиянинг «Адолат» СДП дастурий мақсадларини ҳимоя қиладиган номзодлар, уларнинг ишончли кузатувчи ва ваколатли вакилларини тайинлаш, номзодларнинг сиёсий билимларини мустаҳкамлаш, тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш борасида фикр-мулоҳазалардан тегишли ҳулоса чиқариш ҳамда унга кўра иш режаси ишлаб чиқиш олдимида турган бирламчи вазифадир.

Айниқса, Қурултойда кейинги даврда истиқболдаги режалар белгилашни билан бирга сайловда биринчи мартаба иштирок этувчи ёшларнинг фаоллигини ошириш биз ёш «адолатчи»-лар зиммасига катта масъулият юклайди.

Партиянинг навбатдаги Қурултойи ўтган беш йиллик фаолияти таҳлил этиш ва улардан зарур ҳулосаларни чиқаришда ўзaro фикрлар алмашинувга бой бўлади, деб ўйлайман. Айниқса, олдимида турган муҳим вазифалардан бири партиянинг яқин келажакдаги фаолиятини олиб боришда дастуриямал вазифасини бажарувчи Сайловолди дастури ва Уставини ишлаб чиқиш ҳамда сайловларга тайёргарлик кўриш босқичидир.



Нурали СУЯРКУЛОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Фарғона вилояти кенгаши раиси
ўринбасари

Таъкидлаш лозим, ҳар битта партия муҳим сиёсий жараён ҳисобланган сайловларда иштирок этар экан, албатта, галаба қозониш, давлат ҳокимияти вакиллик органларида имкон қадар кўп ўрин эгаллаш учун бор имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади.

Сайлов кампаниясида муваффақиятли иштироки партиянинг сиёсий майдондаги обрўси ва нуфузи янада мустаҳкамланишига, ўз электорати манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш учун хизмат қилиши, шубҳасиз. Айтиш мумкинки, қонунчиликка киритилган мазкур норма сиёсий партиянинг дастурий мақсад ва ҳимояларини аҳоли ўртасида кенгроқ тарғиб этиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат бошқарувида ўз позициясини эгаллашда муҳим хусусият ҳисобланади.

Зеро, партиянинг ўз олдига янги мақсадларни қўйиши, сиёсий жараёнларнинг иштирокчиси сифатида янги талаб ва масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир куч бўлиб майдонга чиқиши бугунги давр тақозосидир.

Сайловларда ижобий натижага эришиш учун уларга энг асосий таянч ва муваффақиятини халқимиз томонидан билдирилган ишонч ва мадад беради. Таълимни ислох қилиш, инновацион иқтисодни жорий этиш, аҳолини қийнаётган муаммоларга ечим топиш ҳам партия масъулари зиммасидаги муҳим масалалардан. Ўтган беш йилликда қилинган ишларнинг сарҳисоби шунки кўрсатмоқдаки, партия долзарб масалаларни ҳал этишга ҳали тўлақонли эриша олгани йўқ. Шу боис, Қурултойда муҳокама этиладиган масалалар, истиқболли вазифаларни белгилаш, масъулиятли дамларга ҳозирлик кўриш биз партиядошлар учун муҳим босқич саналади. Халқ ишончини қозониш, дастурий гоя ва вазифаларни адо этиш мақсадида бел болаган сиёсий куч, албатта, ўз сўзини чиқмоғи лозим. Бунга эришиш учун эса ҳар бир партия аъзосидан шахсий ташаббускорлик ва дахлдорлик талаб этилади.

Энг муҳими, партиянинг бўлажак VI Қурултойида кўриладиган ҳар бир масала партия платформасини янада мустаҳкамлашга, истиқболдаги режаларни белгилашга асосий таянч ва зифани бажаради.

«Адолат» СДП Наманган вилояти ташкилотининг V конференцияси бўлиб ўтган кунни мени қаттиқ хис-ҳаяжон чулғаб олди. Биринчидан, сафдошларим партияимизнинг навбатдаги Қурултойига делегат қилиб сайлашди. Иккинчидан, мазкур нуфузли анжуманда қатнашсам, мамлакатнинг турли бурчакларидан келадиган маслақдошларимиз билан нималарни сўхбатлашш мумкинлиги ҳақида ўйлай бошладим. Қолаверса, Қурултойда муҳокама этиладиган масалалар, қабул қилинадиган қарорлар фаолиятимизга қандай таъсир ўтказаркин, деган савол ҳам хаёлимга келди.

Авалло, делегатлар бундан беш йил муқаддам V Қурултойда қабул қилинган партияимизнинг Сайловолди дастури қандай бажарилганлиги ҳақида ҳолис баҳо берилишини кутаман. Эришилган ютуқларнинг омилларини батафсил очиб бериш даркор. Камчиликларни ҳам ҳаспўшламаслик, балки уларнинг тўб сабабларини кўрсатиш, шу билан бирга бартараф этиш йўлларини белгилаб бериш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бунда ҳар бир кишининг фикри, ўзаро тортишулар, мулоқотлар, билдириладиган тақлиф-мулоҳазалар партияимизнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг устувор йўналишларини белгилашдаги ролини янада кучайтириш, мамлакатни ислох этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегия вазифаларини ҳал этишда кенгроқ иштирок этишини таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш руҳи билан

йўғрилган бўлишини истардим. Чунки бу билан биз амалга оширилаётган демократик янгиликларнинг муваффақиятига ҳисса қўшишимиз мумкин. Зотан, мазкур йўналишдаги ишларни кучайтиришни муҳтарам Юртовчиимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида қўйилган вазифалар ҳам тақозо этмоқда.

Ҳар қандай сиёсий кучнинг асоси бошланғич ташкилотлардир. Электоратни қизқиратган масалаларни жойида аниқлаш, мақбул тақлифлар бериш дейсизми, партия сафларига қабул ёхуд маҳаллий Кенгаш депутатларининг ўз сайловчилари билан учрашувларини ташкил этиш бўлади-ми, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларни, барчасида бошланғич ташкилотлар, уларнинг етакчилари масъул. Аммо назаримда,

Ўтаётган ҳар бир кун бизни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органлари депутатлигига бўлиб ўтадиган сайловларга тобора яқинлаштирмоқда.

Ана шундай ҳам масъулиятли, ҳам ҳаяжонли паллада беш йилда бир мартаба ўтказилган партияимизнинг олий органи йиғилишига сайланган делегатларнинг барчасида ягона ўй, ягона фикр — олдинги Қурултойда олдимида қўйган мақсадларга нечоғли эриша олдик, электорат манфаатлари йўлида белгилаган вазифаларимиз ижроси устидан қай даражада чиқа олдик ва келгуси беш йилликда бизни қандай вазифалар кутиб турибди, деган саволлар қийнаётгани табиий.

Хусусан, бизнинг Навоий вилояти партия кенгаши ўтган даврда аҳоли, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш масаласида муайян ютуқларга эришди, деб айта олам.

Биргина жорий йилда вилоятнинг шаҳар ва туманларида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 33 мартаба бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилиб, 1500 нафарга яқин ёшлар, 900 нафарга яқин аёлларнинг иш билан таъминланишига эришдик. Шунингдек, 2014 йилда ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларини тавомилан 2654 нафар битирувчилар бандлигини таъминлашда вилоят партия ташкилоти фаол иштирок этди.

Мен коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларни янада яхшилаш бўйича партияимизнинг янги тахрирдаги Сайловолди дастуридан ўрин олган тақлифларни тўла қўллаб-қувватлайман.

Бундан ташқари, биз сайловларда иштирок



Дилафрўз ТЎХТАСИНОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Янгиқўрган туман кенгаши раиси

ишимизнинг энг бўш бўғини БПТ ҳисобланади. Агар бошланғич ташкилотлар жанговарлигини таъминлай олсак, «Адолат» СДПнинг жамиятдаги нуфузини янада оширишга эришиш имконияти туғиларди.

Яна бир истак шуки, маҳаллий партия кенгашлари раҳбарларини замонавий сайлов технологиялари билан қуроллантириш лозим. Номзодларнинг ишончли вакиллари билан иш олиб бориш, тарғибот-ташвиқотни ташкил этишнинг аҳамияти тўғрисида эса гапириб ўтиришнинг ҳождати йўқ. Вилоятимизда бу йил ҳар бир халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида «Адолат» СДП партия гуруҳларини ташкил этишни мақсад қилганлигимиз ҳам шунга даъват этади.



Ҳомид ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Навоий вилояти кенгаши раиси

этар эканмиз, биринчи навбатда партия тизимида сайлов кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Даставвал, ўтган сайловларда тўпланган тажрибаларга суюнган ҳолда, партияимиз тизимида йўл қўйилган камчиликларини яна бир бор таҳлил этиб олишимиз зарур.

Сайлов округлари ва участкаларида сиёсий партиялар ваколатли вакиллари иштирокчини таъминлаш ниҳоятда аҳамиятлидир. Шунингдек, аввалги сайловларда айрим партия ташкилотлари етакчиларининг эътиборсизлиги натижасида баъзи сайлов участкаларида партиядан кузатувчилар иштироки таъминланмади, номзодларимизни қўллаб-қувватлашга эътиборсиз қаралди. Энди бундай хато-лар такрорланишига йўл қўймаслигимиз керак. Бунда партияимиз билан ҳамкорлик қилиб келган жамоат ташкилотлари фаоллари кўмагидан кенгроқ фойдаланишимиз керак.



Равшан ҲАМРАЕВ,
халқ депутатлари Муборак
туман Кенгашидаги
Ўзбекистон «Адолат» СДП
депутатлик гуруҳи раҳбари

Ҳа, шу кеча-кундузда «адолатчилар» зиммасида жуда катта масъулият бор. Жойларда ислохотлар изчиллигини таъминлаш, электоратимиз манфаатини мустаҳкам ҳимоя этиш, фуқароларнинг турмуш фаровонлигини ошириш биз фаолларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Биз партияимизнинг йирик анжуманидан ҳам келгусидаги фаолиятимиз самарадорлигини оширишга ҳизмат қиладиган бир қатор дастур ва йўл-йўриқларни кутиб қоламиз.

Ўтган ҳисобот даври «Адолат» СДП Тошкент шаҳар кенгаши учун «Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони» деб номланган Сайловолди дастурининг устувор вазифаларини изчил амалга ошириш доирасида мамлакат сиёсий майдонида ташкилий-сиёсий позицияларини янада мустаҳкамлаш, омма орасида социал-демократик дунёқарашни, партия мафқурасини илгари суриш даври бўлди, десак хато бўлмайди.



Виктория ЦАРБАВА,
Тошкент шаҳар Эндокринология диспансери бош шифокори,
партия аъзоси

Орта қолган беш йиллик муддат ўзига хос қурашувчанлик қобилиятни намойён этиш, партиянинг амалий ишлари, тақлифлар орқали халқ орасида танилиши, нуфузи ва обрўсини оширишнинг муҳим даври бўлди. Айниқса, Тошкент шаҳар партия кенгаши томонидан инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, турмуш фаровонлигини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат шартларини яхшилаш, сиёсий жараёнларга фуқароларни фаол иштирок этишга ундаш каби долзарб йўналишларни қамраб олган 3000 дан ортиқ маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий мавзуларда тадбирлар, кўрик-танловлар ташкил этилиши боис, халқ орасида партияга ишонч билан қараётган фуқаролар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Тадбирларда жами 110 мингдан ортиқ киши иштирок этиб, партия фаолияти ва мафқураси билан яқиндан танишишга муваффақ бўлди. Ҳисобот даврида Тошкент шаҳар кенгаши таркибиде бошланғич партия ташкилотларининг сони 93 нафарга ўсиб 302 тага, аъзолари сони 112 фоизга ўсиб 9182 нафарга етди. Бугунги кунга келиб аъзоларимизнинг 4641 нафарини хотин-қизлар, 3541 нафарини ёшлар ташкил этмоқда.

Партия Тошкент шаҳар кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан Республика онкология илмий маркази мутахассислари томонидан аҳоли учун бепул тиббий кўрик ташкил қилиниши, ишчи гуруҳ томонидан Тошкент шаҳридаги мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида 16 ёшга бўлган болаларда яссиоёқлик ва сколиоз касаллиги даражаси ўрганиб чиқиши ва тегишли органларга сўров юбориши каби масалаларда ўз позициясини намойён этиши халқ ишончини қозонишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Тошкент шаҳар депутатлик гуруҳи уй-жой коммунал комплекси фаолиятини янада яхшилаш юзасидан инновацион гояларни илгари суриб, шаҳар ҳокимлигига иссиқлик энергияси билан аҳолини мунтазам таъминлаш мақсадида локал қозонхоналардан фойдаланиш тақлифини киритиши натижасида, ҳозирда айрим кўп қаватли уйларга локал қозонхоналар ўрнатилиши каби аҳолини ўйлантираётган муаммоларга ечим топилоқда.

Ўтган йиллар сарҳисоби ўз навбатида галдаги вазифаларни ҳам белгилаб беради.

Олдимида парламентга ва давлат ҳокимияти маҳаллий Кенгашларига сайловлар жараёни эшик қақиб турибди. Мазкур сайловларда олдимидаги улкан мақсадларни қўйганмиз. Бу мақсадларга эришиш йўлида бутун кучимиз ва саъй-ҳаракатимиз ишга солган ҳолда ҳаракат қилишимиз лозим.

Ишончим комил, янги Сайловолди дастур ва Уставда халқимизнинг фаровонлигини яхшилашга, ҳудудларимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга, ёшларимизнинг сифатли таълим олишига, соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштиришга хизмат қилувчи янгидан-янги гоялар, лойиҳалар, вазифалар акс эттирилди.



Ойгул ЖУМАНИЙЕВА,
Хоразм вилоят халқ таълими
бошқармаси мутахассиси,
партия аъзоси

Муҳим ижтимоий-сиёсий паллада ўтказилаётган мазкур Қурултой биз, партия фаоллари учун янада бирлашиб ишлашимизга, бундан аввалги фаолиятимизга танқидий-таҳлилий баҳо бериб, яқин келажакда бажаришимиз лозим бўлган ишларни режалаштириб олишимизга имконият яратди. Муҳими, илгари сурадиган ҳар бир гоямида халқимизнинг мушқулини осон қилиш мақсади мужассам бўлиши даркор, деб ҳисоблайман.

Қамина, Қурултойда халқ таълими тизимида, фаолият юриладиган аъзо сифатида жойларда, айниқса, қишлоқ жойларида барча замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда юсак салоҳиятли кадрлари мавжуд, халқаро талаб ва стандартлар асосида фаолият юриладиган мактабгача таълим муассасалари сонини кўпайтириш масаласи кенг миқёсда муҳокама қилинишини истаб қолган бўлар эдим. Зеро, фарзандларимиз ҳеч қандай кам бўлмади, замонавий шарт-шароитларда камол топиши учун қишлоқларимиздаги таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришимиз, янги босқичларга олиб чиқишимиз керак. Албатта, бу борада сўнги беш йил ичида вилоят партияимиз кенгаши томонидан бир қатор конструктив тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган, қолаверса, вилоятдаги депутатлик гуруҳларимиз томонидан олиб борилган амалий ишлар оз эмас. Бироқ кун сайин ахборот хуружи хавфи ортиб бораётган айни замонда ёшларга, фарзандларимизга таълим-тарбия бериш жараёнини мунтазам равишда мукамаллаштириш ҳеч қачон долзарблигини йўқотмаслигини инобатга олиб, ушбу масала партияимиз Сайловолди дастурида муҳим ўрин эгаллаши, электоратни бу борадаги мақсад ва гояларимиз ёрдамида жалб этишимиз муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда сайловчилар сиёсий партияларнинг фаолиятига баҳо берганда фақатгина уларнинг берадиган вадаларига қараб эмас, аввалги сайловларда сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад-вазифалар ижросини қай даражада амалга оширилганликлари, сайловчилар ишончини қанчалик оқлай олганликларига қараб баҳо беришни унутмаслигимиз керак.

«Адолат» аёллари ҳар соҳада ташаббускор ва фидойи

Давоми. Боши 1-бетда

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги қонунга кўра, хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини ташкил этиши кераклиги ҳақидаги меъёр Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда қабул қилинган. Ушбу қоида жорий қилинганидан кейин бўлиб ўтган сайловларда аввалги сайловга нисбатан икки ярим баравар кўп хотин-қиз парламентага депутат этиб сайланди.

Рақамларга эътибор қаратилган бўлса, сиёсий партиялар кўрсатилган 135 нафар номзоднинг камида 41 нафар хотин-қизлардан иборат бўлиши керак. Агар ушбу талаб бажарилмаса, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловга тақдим этилган номзодлар рўйхатини қабул қилмаслиги ҳам қонунда алоҳида белгиланган.

Демак, хотин-қизлар орасидан депутатликка муносибларини аниқлаб, улар номзодини кўрсатиш сиёсий партиялар, шу жумладан, Ўзбекистон «Адолат» СДП зиммасига катта масъулият юклайди. Негаки, хотин-қизларни сиёсий жараёнларга янада кенгроқ жалб этиш, қонунлар ва қарорлар қабул қилишда уларнинг иштирокини фаоллаштириш учун аввало аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш талаб этилади.

Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган мазкур қоидалар мамлакатимизда демократик тамойиллар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётганини кўрсатади. Бунда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар муҳим аҳамиятга эга бўлди ва мазкур меъёр-

лар туфайли хотин-қизларимиз ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда. Масалан, 2009 йилги сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 33 нафар хотин-қиз депутат этиб сайланди. Бу депутатлар сонининг 22 фоизини ташкил этади.

Айни кунда 102 минг нафардан зиёд партияимиз аъзоларининг 51 фоизини аёллар ташкил этаётгани ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора ошиб бораётганидан далolat беради. Ҳозирги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партияимиздан 7 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашида 11, туман ва шаҳар Кенгашида 88 нафар хотин-қиз депутат сифатида фаолият юритаётгани саноат майдонидан ҳам хотин-қизларнинг ўз ўрни борлигини кўрсатади.

Жорий йил охирида бўлиб ўтадиган сайловларда ҳам ана шу юқори кўрсаткични мустақамлаш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар тайёрлаш ишларини қизгин олиб бораётиб. Албатта, бу жараёнда аёл номзодлар кўрсатиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиляпти. Жойларда хотин-қизлар билан ўтказилаётган тадбирларимизда сайлов қонунчилиги кенг тушултирилмоқда. Шунингдек, депутатликка номзоди кўрсатилган аёллар билан ишлаш, уларни сайловолди рақобат жараёнларига тайёрлаш, сайловчилар билан уршувларни юқори савияда ташкил этиш ҳамда сайловолди дастурларни пухта ва мукаммал ишлаб чиқиш борасида қатор чора-тадбирлар белгиланган. Шу ўринда ижтимоий аҳа-



миятга молик қатор дастурларни ҳаётга татбиқ этишда аёлларнинг фаол иштирокидан унумли фойдаланиб келаётган партия сиёсий Кенгаши хотин-қизларга тааллуқли ўнлаб акция, лойиҳа ва ташаббусларнинг ижодкорига айланганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, жумладан, одам савдосининг олдини олиш, республика ташқирисидан узоқ муддат бўлиб қайтган хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, уларга тиббий психологик ёрдамни ташкиллаштириш бўйича Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликдаги кўшма лойиҳалар самарасиз кетмади. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг Марказий банк билан ҳамкорликда кейинги икки йил давомида ўтказиб келаётган лойи-

ҳаси эса хотин-қизларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш ва маиший шароитларини яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизнинг шаҳару қишлоқларини қамраб олаётган, ҳаттоки, энг чекка ҳудудларда ҳам аёллар тадбиркорлигини йўлга қўйишни кўзлаган мазкур лойиҳага мувофиқ Андижон, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Навоий вилоятларидаги 400 нафар сафдош, фаол хотин-қизлар Марказий банкнинг умумий қиймати 8,5 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредитларини олиш учун сертификатларни қўлга киритишди ва тадбиркорлик фаолиятини бошлашди. Истикболли бизнес режасига асосан янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариб, хизматлар кўрсатиш оилалари фаровонлигини таъминлашди. Бухоро вилояти партия кенгаши та-

шаббуси билан очилган психологлар маркази хотин-қизларни ҳам маънан, ҳам руҳан кўллаб-қувватлаб келмоқда. Худудий ташкилот қошида ташкил этилган «Бухоро Дилбери» газетаси кенг жамоатчиликнинг эътиборини қозонмоқда. Фарғона ва Андижон вилоятларида худудий партия ташкилотлари ташаббуси билан биргана шу йилнинг ўзида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган саломатлик акциясида етти минг нафар аёл бепул тиббий кўриққа қатнашди, уларга зарур маслаҳат, йўл-йўриқ ва амалий ёрдам кўрсатилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Самарқанд, Хоразм ва Қашқадарь вилоятларида эса аёлларни ишга жойлаштириш, уларни тадбиркорлик соҳасига, қасанчилик фаолиятига жалб этишда янги

қадамлар қўйилди. Сирдарё, Навоий ва Наманган вилоятларида партия томонидан амалга оширилган лойиҳалар хотин-қизларни замон билан ҳамнафас бўлишга руҳлантириб, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширди.

Қонун ижодкорлиги жараёнида ҳам аёл депутатларимизнинг ўз ўрни бор деб ўйлайман. Улар партия фракцияси фаолиятида ўз салоҳиятини намоян этиб, қабул қилинаётган қонунларимизда партия электоратининг, шу жумладан, аёлларнинг хоҳиш-иродасини ифода этувчи таклиф ва мулоҳазаларни қарор топтиришга эришилди. Бу қонунлар мамлакатимиз хотин-қизларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, оналик ва болаликни муҳофаза этишга, ёшлар турли ёт гоа ва таъсирлардан ҳимоя қилишга қаратилган. Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги, «Одамнинг иммунитет танқислиги вирус келтириб чиқарилган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қатор қонун ҳужжатларини яратиш ва тақомиллаштиришда депутат аёлларнинг ҳам иштироки кўзга ташланади. Халқ депутатлари худудий Кенгашидаги партиядошларимиз ҳам худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросида қизгин иштирок этишмоқда.

Тан олиш керак, бошқаларни ортиндан эргаштириш учун

аввало уларга таъсир ўткази олишинг керак. Партия нуқтаи назаридан қарайдиган бўлса, унинг халқчил гоёлари, қарашлари, фаолият дастури билан биргаликда турли тадбир ва тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам сиёсий куч нуфузини оширишга хизмат қилади. Партия Сиёсий Кенгаши икки курултой оралиғида аёллар масаласи билан боғлиқ етти юзга яқин тадбир ўтказди. Уларда уч юз минг нафардан зиёд хотин-қизлар иштирок этди. Айнаси, ҳисобот даврида «Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш — обод ва фаровон турмушни таъминлашнинг муҳим омил» мавзусидаги илмий-амалий конференция, «Жамият тарққиётида Ўзбекистон «Адолат» СДП аёлларининг роли ва иштироки ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясида оид истиқболдаги вазифалар», «Фаол аёллар партиянинг таянчи ва мададкори» мавзусидаги бир-бирдан қизқарли ва таъсирчан давра суҳбатлари сафдош аёллар сафининг ўсишига хизмат қилди. Партия ташаббуси билан 2012 йилдан буюн аънавий тарзда ўтказиб келинаётган уч боқичли «Партиянинг оқила аёли» кўрик-танлови орқали «Адолат» СДП аъзоси бўлган Фаол, ташаббускор, жамоаси ва оиласида намуна қўрсатётган иқтидорли, ўткир салоҳиятли аёллар аниқланиб, рағбатлантириб борилмади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, биз бўлажак сайловга қадар жойларда хотин-қизлар билан ўтказиладиган тадбирларда уларнинг сайлов қонунчилиги ва сайлов борасидаги сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга эътиборни янада қучайтиришимиз, бу борадаги ишларимизни мазмун жиҳатидан бойитишимиз лозим.

Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА,
Ўзбекистон Адолат СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати «Аёллар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш» бўлими мудири

Qishloq Qurilish Bank

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Қўнғирот филиали: Сармоялар юртимиз иқтисодиётининг ривожланишига хизмат қилмоқда

➤ Молия муассасаларида

Сўнгги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожланишига алоҳида эътибор қаратилиши, юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ажратилаётган кредитлар, инвестиция жараёнларини тақомиллаштириш борасида олиб борилган ислохотлар бугун ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Албатта, бу каби ўзгаришларда банк-молия муассасаларининг иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтирилаётган сармоялари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Банк хизматлари бозоридан 1996 йилдан бери фаолият юритиб келаётган АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Қўнғирот филиали ҳам бугун аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунда филиалда 31 га яқин малакали ходимлар мижозларга сифатли хизмат кўрсатмоқда. Филиалда 2 та чакана хизмат кўрсатиш шохбчалари орқали халқро пул ўтказмалари, жамғарма қасса хизматлари ва бошқа чакана хизмат турлари жорий қилинган бўлиб, 8439 дан зиёд мижозларга кенг қўламли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Шулардан 4788 дан ортинги омонатчилар ва пластик карта эгалари ташкил этади.

Капиталлашув даражаси ва узоқ муддатли депозитлар ҳажмини оширишга қўйилган талаблар банкда бажарилиши,

филиалларда активларни самарали бошқариш соҳасида йўлга қўйилган тизими таҳлили ҳамда филиаллар томонидан ликвидликка қўйилган талаблар бажарилиши борасида амалга оширилган тадбирлар натижасида, жорий йилнинг 9 ойлик якуни бўйича Қўнғирот филиалининг соф активлари суммаси 26 667,5 млн. сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришининг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, филиалнинг ресурс базасини мустақамлаш мақсадида ҳисобот даврида қатъий депозит сиёсати юритилди.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида олиб бо-

рилган ишлар натижасида, филиалдаги жами омонатлар суммаси жорий йил 1 октябрь ҳолатига 1 914, 8 млн. сўмни ташкил этди. Шунингдек, мижозлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ўз натижасини бериб, филиалнинг жами кредит портфели суммаси 21 009, 6 млн. сўмни ташкил этди. Шу жумладан, узоқ муддатли кредитлар суммаси 9 952,4 млн. сўмни ташкил этди.

Юртимизимиз ташаббуси билан мамлакатимиз қишлоқларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари унинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилиши олиб борилиши

натижасида Қўнғирот туманида ҳам янгидан-янги массивлар яратилиб, ушбу ҳудудларда янги уй-жойлар барпо этилмоқда. АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Қўнғирот филиали томонидан 2009-2014 йиллар давомида 240 та намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларнинг қурилиши молиялаштирилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Қўнғирот филиалининг мамлакатимиз иқтисодиёт тизимида тутган ўрни ҳамда аҳолини турли хил соҳаларда молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши худуд иқтисодиётининг юксалишига мустаҳкам замин яратмоқда.

МИЖОЗ ЭЪТИРОФИ:

— Шахсий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида турли тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларига ажратаётган кредитлари билан қизиқдим. Менга «Қишлоқ қурилиш банк» Қўнғирот филиали томонидан таклиф этилаётган хизматлар маъқул бўлди. Мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида банк филиалига берган бизнес лойиҳамиз маъқулланди ва тез фурсатда дурадгорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун 79,5 млн. сўм миқдоридан кредит ажратилди. Энг муҳими, хомашё ўзимизда қайта ишланаётганлиги даромадимизни оширишга катта имконият яратмоқда. Хозирда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизга талаб катта. Хорижикидан қилинмайдиган сўнгги урфда бўлган мебелларимиз туманимиз фуқароларининг сондонларини безаб турибди. Энг асосийси эса 3 нафар туманимиз ёшлари ҳамда 5 нафар коллеж битирувчилари доимий иш билан таъминланди. Янги 2015 йилдан умидларим катта. Насиб қилса, келаси йил ҳам банкдан яна кредит олиб фаолиятимни кенгайтиришни ва туманимиз иқтисодиётига оз бўлса-да хисса қўйишни мақсад қилиб қўйганман.

Бахтияр КОПТЛЕУОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор

Reklama o'rnida

Солиқ имтиёзлари

иқтисодий ривожланишга йўл очмоқда

➤ Иқтисодиёт

Сўнгги йилларда мамлакатимизда солиқ юкининг йил сайин енгиллаштирилаётгани ва хўжалик юритувчи субъектларга берилаётган қўллаб-қувватлаш сармоясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етакчи соҳалардан бирига айланди. Яратилаётган кенг имконият ва қулайликлар бу борода муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар, яъни саноат соҳасидаги корхоналар учун ягона солиқ тўловининг ставкаси 5 фоизга камайтирилиши ҳисобидан солиқ тўловчилар ихтиёрида қоладиган маблағлар тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг моддий базасини тақомиллаштиришга, янги иш ўринлари яратишга имкон туғдирмоқда.

Мавжуд имтиёз ва қулайликлардан фойдаланиб Узун туманидаги «Кавсар Мадад» хусусий корхонаси «Ўзсаноатқурилишбанк» Термиз

минтақавий филиалидан 300 миллион сўм миқдоридан узоқ муддатли кредит маблағи олган эди. Корхона бу маблағда Хитой Халқ Республикасида шифер ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологияни олиб келиб ўрнатди. Айни пайта замонавий технология асосида шифер ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, жорий йилнинг шу даврига қадар 1 миллиард 252 миллион сўмлик шифер маҳсулот ишлаб чиқарилди. Соф фойда эса 150 миллион сўмни ташкил қилди.

Таъкидлаш жоизки, ягона солиқ тўловининг 5 фоизга камайтирилиши натижасида мазкур корхонага 12 миллион сўмлик солиқ имтиёзлари қўлланилди.

Солиқ имтиёзлари ҳисобидан тежалган молиявий захираси ҳисобидан янги технологияларни олиб келиб ўрнатиш режалаштирилмоқда.

Албатта, тадбиркорлик субъектларига берилаётган солиқ имтиёзлари жойларда янги ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш, шунингдек ишлаб чиқариш имкониятини янада кенгайтиришга қулайлик туғдирмоқда.

Илбё РАҲМАТОВ,
Сурхондарё вилоят ДСБ ахборот хизмати бошлиғи

Донолар бисотидан

Ягона ва энг муҳим хато аввалги хатоларни тузатмасликдир.

Конфуций

Ўзида йўқ нарсалар учун ғам чекмайдиган, боридан қувонмайдиганлар ақлли кишилардир.

Демокрит

Ошна-оғайнилар кўп одамнинг дўсти кўп бўлмайди.

Арасту

Рафиқаси билан муросага келолмаган одамни дўст тутма.

Пифагор

ADOLAT

ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Ташриф хайлати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Мамазор ХУҲАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖўРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Таълят МУРОДОВ, Тошўлат МАТИБАЕВ, Алишер МУМИНОВ.

Бosh муҳаррири: Ислам ҲАМРОЕВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-46-64 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибият — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — С.Салиқова. Навбатчи — Фуломжон Хидиров.

«Адолат»дан қўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Ташрифт маъноси: 100043.

Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.

info@adolat.uz / adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Милитет ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақомни билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

ISSN 2091-5217

7280135230073

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилади. Корхона маънави: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ.

Офсет усулда босилган. Буюртма Г — 1000. Аала — 5950.

Босингга топшириш вақти — 21.55 Босингга топширилад — 22.30

1 2 3 4 5 6

Баҳорси келмишлаган нархга